



ОЙБАРЧИН АБДУЛҲАКИМОВА

# ТБАДИЙ ТИЛ ВА ТАСВИР



## ОЙБАРЧИН АБДУЛҲАКИМОВА

**БАДИЙ ТИЛ ВА ТАСВИР**

## Тошкент

**TOEKHM**  
**"Akademnashry"**

2014

**УЎК: 821.512.133**

**БАДИЙ ТИЛ ВА ТАСВИР**

**A15**

**A15**

**Абдулҳакимова, Ойбарчин**

Бадий тил ва тасвир / О.Абдулҳакимова. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – 56 б.

**УЎК: 821.512.133-1**

**ISBN 978-9943-4401-9-7**

**БКК 83.3(5Ў)**

*Адабиёт – маърифат кўзгуси. Зеро, адабиётимиз халқимизнинг ўй-кечинмалари, орзу-армонлари, адабий-эстетик идеалини ойна каби ўзида акс эттиради дейилса, асло муболага эмас. Уишиб рисолада ёши тадқиқотчи Ойбарчин Абдулҳакимованинг бадиий тил ва тасвир масалаларига оид ўзига хос кузатишлари, мўъжаз хўлосалари билан танишасиз. Бу хўлосалар навқирон истеъодод соҳибасининг адабиётшуносликда ўз йўйини топишга, бошқаларни тақрорламасликка интилаётганидан дарак беради. Ўйлаймизки, рисоладаги оҳорли кузатишлар, янгича фикрлар сизни ҳам бефарқ қолдирмайди.*

**Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:**

Узоқ ЖҮРАҚУЛОВ,

филология фанлари номзоди, доцент

**Тақризчилар:**

Баҳодир КАРИМОВ,

филология фанлари доктори,

Зулхумор ХОЛМОНОВА,

филология фанлари доктори

© О.Абдулҳакимова «Бадиий тил ва тасвир».

ISBN 978-9943-4401-9-7

«Akademnashr» наприёти, 2014 йил.

## ИЛМ ЮКИ

Илмнинг юки оғир бўлади. Чин илм «ҳаммоллари» буни жуда яхши биладилар. Зеро, илм йўли машаққат ва заҳмат йўлидир. Шу боис илмнинг залворли юкини кўтариш, заҳматдан ҳаловат топа билиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Тоғ қадар ҳазина ҳам асл олимнинг кўнглини кўтара олмаслиги, унга шодлик улаша билмаслиги мумкин. Уни фақат тафаккур ва мушоҳада лаззати, изланиш машаққати, кашф этиш изтироби кўпроқ қувонтиради.

Асл олим ким? Шубҳасиз, илмига амал қилган олимдир. Зотан, унинг илми меҳнат ва риёзат, амали эса камтарлиқдир. Бу ҳақда мутафаккир ажоддодларимиз кўп ва хўб ёзганлар. Хусусан, ҳазрат Навоий шундай ёзадилар:

Олим агар қатъи амал айласа,  
 Илмига шойиста амал айласа:  
 Солмаса кўз жифаи дунё сари,  
 Боқмаса туз дуняйи фони сари.  
 Они шараф гавҳарининг кони бил,  
 Гавҳару кон, ҳар не десанг они бил...

Чин олимнинг таъриф-тавсифиу мартабаси шу. Олим учун шундан ўзга саодат, бу ёзиққа кўнмаганга эса илм йўқ.

Чин олим дунё зийнатига маҳлиё бўлмайди, ҳою ҳаваслар гирдобига тушмайди. Ҳазрат Навоий айтадилар:

Эгнида авроқу китоби аниңг,  
 Қилгали таҳсил шитоби аниңг...

Яъни унинг эгнида ўқилавериб титилиб кетган китоб вароқларидан ўзга либос бўлмайди. Бу вароқлар ҳам толибнинг илмга шитобидан ҳосил бўлмиш шамол зарбидан йиртилай дейди.

Чин олимга роҳат-фароғат бегона. Фаровон турмуш уни доим таъқиб этади. Йўлига турфа хил тузоқлар қўяди. Аммо асл олим бу тузоққа тушмаслик учун илм сўқмоғи бўйлаб янада шитоб билан йўл юради. Илм йўлининг эса адори кўринмайди. Бу мешаққатли йўлда китоб саҳифалари олимга қанот, сабр егулик, қаноат ичкилик бўлади:

*Хар не етиб, қониъ ўлуб йўл юруб,  
То ўзин ўз мақсудига еткурууб... –*

дэя ёзадилар бу ҳақда Навоий.

Чинакам илм ўз соҳибига шараф келтиради, уни икки дунёда азизу мукаррам айлайди. Илм шундай хазинадирки, сарф этган билан камайиб қолмайди, тугамайди. Аксинча, бошқаларга ўргатган сари кўпая боради. Илм толиблар қалбига нур олиб киради. Авлод камолига, бу орқали эса Ватан ва миллат истиқболига хизмат қиласди. Жамиятда эзгулик барқарор бўлишини таъминлайди.

Илм ўқим бўлган кўнгилда жаҳолатга ўрин йўқ. Илмсеварлик жамият миқёсига кўтарилса, бу жамият, сўзсиз, саодатга юз буради, юксак тараққиёт неъматига эришади. Илм шундай фойдали хазинадирки, ундан яхшию ёмон, каттаю кичик, ҳатто қурт-кумурсқагача баҳра олади.

Илм йўлини танламоқ арафасида турганлар, энг аввало, улуғ зотлардан мерос ўлароқ келаётган аччиқ, залворли, шу билан бирга, шарафли сабоқдарни билиб қўйишлари лозим.

Шундай. Илм юки ниҳоятда оғир келади. Илм «ҳаммоли» бўламан, унинг барча машаққатларига чидайман, изтироб лаззатидан баҳра оламан деган толиб ҳали ёш пайтиданоқ буни билиши, билишигина эмас, бутундан бошлаб машаққат машқларига киришуви керак. Ҳарбийлар орасида «Машқ оғир бўлса, жанг енгил бўлади» деган ҳикмат юради. Шу маънода талабалик давридан илм йўлига киришга аҳд қилганларни улкан жангга тайёрланаётган аскарга ўхшатсак, хато бўлмас.

Кўлингиздаги мўъжаз китобча муаллифи Ойбарчин Абдулжакимова ҳам ўзининг ҳазрат Алишер Навоий, Данте Алигьери, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Орипов сингари буюк ижодкорлар ҳақида ёзган кичик тадқиқотлари, тилшунослик, бадиий публицистикага оид мақолалари билан илм дунёсига мўралашга, унинг машаққату лаззатларидан татиб кўришга жазм қилибди. Бу, бизнингча, талаба мақсадининг жиддийлиги, хайрлилигига илк далил. Зотан, илм майдони чек-чегарасиз. Бу даргоҳга истаган одам пок ният ила қадам босиши, ўз баҳтини синаб кўриши мумкин.

**Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,  
филология фанлари номзоди, доцент**

## МИЛЛИЙ МАЬНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Адабиёт – миллий маънавиятнинг даражасини кўрсатувчи ўзига хос мезон. Чунки унда миллатнинг сўнмас руҳи, умрбοқий қадриятлари гўзал бадиий шаклда акс этади. Одамлар қалбида юксак маънавият, ватанпарварлик, ҳалқпарварлик туйғулари, биринчи навбатда, адабиёт воситасида шаклланади. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ муҳтарам Юртбошимиз миллий адабиётимиз ривожига алоҳида эътибор кўрсатиб келади. Президент И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асаридаги адабиётга оид қарашлари ҳам бу фикрни тасдиқдайди.

Асардаги адабиётга оид қарашларни қўйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ҳалқ оғзаки ижодига доир фикрлар.
2. Алишер Навоий ва миллий маънавият.
3. Миллий уйғониш даври ўзбек адиллари қарашларига муносабат.
4. Замонавий адабиёт ва ёш ижодкорлар тарбияси.
5. Маънавий жасорат соҳиби бўлган ижодкорларга берилган юксак баҳо.

Асарнинг «Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир» деб номланган биринчи бобида «...ҳалқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиши» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғи»<sup>1</sup> эканига ургу берилади.

Муаллиф достоннинг бугунги кун учун аҳамиятига алоҳида тўхталади. Бу, биринчи навбатда, достонда элимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топганида намоён бўлади. Зоро, биз, ёшлар, достонни ўқирканмиз, ундан ватанпарварлик сабоғини оламиз; одил ва ҳақгўй бўлишни ўрганамиз; қалбимизда ўз юртимиз, оиласиз қўргонини ёт назарлардан асраш туйғуси шаклланади; ор-номусни ҳар нарсадан баланд билган улуғ сиймолар авлоди эканимизни ҳис этамиз. Иккинчидан, «Ал-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.32 – 33.

помиши»дек ҳалқ маънавиятининг кўзгуси бўлган достонга миллатчилик руҳидаги асар тамғаси босилганини ўқиб шўролар сиёсатининг нақадар инсонийликка зид бўлганини англаймиз. Уни сақлаб қолиш учун жонларини хатарга қўйган жасур зиёларимиздан ифтихор туямиз.

Достондаги ўқ-ёй рамзи мисолида Юртбошимиз билдирган фикрлар «Алпомиш» ҳақидаги тасаввуримизни, айниқса, тинқлаштиради. Ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир рамз ва тимсол замирида олам-олам маъно бораигини англаймиз. «Ота-боболаримизнинг қадимий тасаввурига кўра, ўқ-ёй ҳокимият нишони ҳисобланган. Алпомиш етти ёшида ўн тўрт ботмон биричдан – бронздан ясалган ёйдан ўқ отиб «алп» деган унвонга эга бўлади. Алп дегани ҳокимият эгаси эканини инобатга олсак, бу достон кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифодаси эканига ҳам ишонч ҳосил қиласиз».<sup>2</sup>

Бу фикрлар достонни қайта-қайта ўқиб уни қалбимизга, шууримизга жо этишимиз зарурлигини кўрсатади. Ундан ибратланиш кўнгилларда ҳалқимизнинг асл қадриятларига юксак эҳтиром ҳиссини уйғотади, кимларнинг авлоди эканимиз ҳақидаги тасаввурларимизни янада ойдинлаштиради.

Китобда миллий адабиётимизнинг буюк намояндаси ҳазрат Алишер Навоий асарларининг ўзбек ҳалқи маънавий дунёсими бойитишга самарали таъсири масаласига ҳам алоҳида тўхтадинган. Президентимиз буюк мутафаккир фаолиятига мана бу тарзда юксак баҳо беради: «Агар бу улуф зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир» (47).

Давлатимиз раҳбари ҳазрат Алишер Навоий ижодининг замонамиз учун аҳамиятига алоҳида дикқат қаратган. Бу, биринчидан, инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилиши ҳақидаги фикр. Иккинчидан, она тилига муҳаббат, унинг ифода имконияти нечоғлик кенглиги, дунёдаги энг бой тиллардан экани ҳақидаги туйгу онгу шууримиз, юрагимизга Навоий асарлари билан кириб

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.34 (Бундан кейин асардан олинганд иқтибослар саҳифаси қавс ичидаги кўрсатилади).

келиши. Учинчидан, буюк мутафаккир асарларининг миллий маънавиятимизни юксалтиришда, ёшларимизда комил инсонга хос фазилатларни шаклантеришда қудратли маърифий қурол экани. Бу борада асарда билдирилган фикрлар Алишер Навоийнинг буюк шахси ва бебаҳо адабий меросига оид билимларимизни бойитиш баробарида улуг шоир асарларини янада чуқурроқ ўрганишимиз зарурлигини англатиши жиҳатидан ҳам катта аҳамиятга эга.

Асарда миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг ёрқин сиймолари: Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпоннинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишларига юксак баҳо берилган.

Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган фикрини келтираркан, Юртбошимиз: «Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади» (62), – деган холосага келади.

Умумбашарий тараққиёт ютуқларини ҳар томонлама чуқур ва пухта эгаллаш зарурати ҳақида ёзаркан, Президентимиз яна бир буюк маърифатпарвар бобомиз – Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг: «Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур», – деган таъсирчан фикрини келтиради. Бу ўткир фикрлар билан танишарканмиз, ўз соҳамиз бўйича дунё олимлари эришган энг сўнгги ютуқлардан ҳам хабардор бўлишимиз зарурлиги ҳақидаги холосага келамиз. Шундагина муҳтарам Юртбошимиз биз – ёшлардан нималарни кутаётганини яққолроқ ҳис этамиз, тараққиётнинг бугунги шиддатидан ортда қолмай, у билан ҳамқадам юришимиз мумкин бўлади.

Китобнинг «Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори» деб номланган тўртинчи бобида замонавий адабиёт ва ёш ижодкорлар тарбияси масаласи алоҳида таҳлил этилган. Адабиётнинг «инсонни, унинг маънавий оламини кашф эта-диган қудратли восита» эканига ургу берган Президентимиз

буғунги кунда бадиий ижод соҳасида эришилган энг асосий ютуқларга эътибор қаратади. Шунингдек, сўз аҳли олдида турган долзарб вазифаларни кўрсатиб ўтади. Улар қуидагилардир:

– буғунги авлодларнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, замондошларимизнинг маънавий-руҳий дунёси, ёшлиарнинг пок орзу-интилиши ўзининг теран бадиий ифодасини топган янги асарлар ижод қилиш;

– миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини чет тилларга таржима қилиш ва шу асосда ҳалқимизнинг ҳаёт тарзи, инсоний фазилатларини кенг намойиш этиш борасида кўзга кўринадиган амалий натижаларга эришиш;

– адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан фарб ва шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни кучайтириш. Чет эллик моҳир таржимонлар билан бирга мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган истеъдодли ёшлиарни мана шу машақатли, айни пайтда, олижаноб ишга жалб этиш.

Президентимизнинг мана бу фикрлари, айниқса, дикқатга сазовор: «Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор, буюк ёзувчиларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак» (139 – 140).

Юртбошимиз маънавий жасоратни энг буюк жасорат сифатида таърифлайди. Асарда замонавий адабиётимизнинг икки улуғ сиймоси – атоқли шоира Зулфияхоним ва устоз олим, улкан жамоат арбоби Озод Шарафиддинов ана шундай жасорат соҳиблари сифатида эътироф этилгани биз – филолог ёшлиарни, айниқса, руҳдантиради.

Президентимиз Зулфияхонимни нафақат шеърлари, бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган фидойи инсон сифатида тавсифлайди. «Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари, – дея таъкидланади асарда, – Шарқ аёлининг ақду закоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърият муҳлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган десак, муболага бўлмайди» (166 – 167). Китобда шоиранинг айрилиқ ва ҳижрон азобини, фам-андуҳ ва ҳасратларни матонат билан ен-

гиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланғани айтиласи.

Атоқлы олим Озод Шарағиддинов ҳақидағи фикрлар Юртбошимиздыннан бу улуғ устоз тимсолида адабиётшунослигимизга күрсатған юксак эътибори намунаси дир. Қанд қасаллиги боис оёғидан ажраган бўлишига қарамай, олимнинг «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири сифатида ўз бурчига, эътиқодига содик қолиб, лупа ёрдамида журнал материалларини таҳрир қилиб бориши, қирқдан ортиқ йирик роман ва қиссаларни ўзбек тилига таржима қилгани, ўнга яқин салмоқли китоблар ёзгани ҳайратга лойиқ экани эътироф этилади. Маънавий жасорат тимсоли сифатида одамларга намуна бўла олиши таъкидланади.

Хулоса қилиб айтганда, «Юксак маънавият – енгилмас куч» асаридаги адабиётга оид қарашлар, биринчидан, миллий адабиётимизга күрсатилган юксак эътибор намунаси бўлса, иккичидан, ёш авлод орасидан етук шоиру адаблар, адабиётшунослару таржимонлар етишиб чиқиши учун, адабиётимизнинг янги асрдаги ривожи учун дастуриламал вазифасини ўтайди.

## МАЪРИФАТНИНГ СЎНМАС ҚҮЁШИ – НАВОЙИ

### ТАРИХИЙ ШАХС ОБРАЗИННИГ БАДИЙ-ИЛМИЙ ТАЛҚИНИ

Фавқулодда машхур тарихий сиймо саналган Искандар шахсияти, унинг македониялик Александрга муносабати, Зулқарнайн нисбасига оид бадиий-илмий талқинлар шунчалар хилма-хилки, бу муаммо дунё олимларини мудом ўйлантириб келади. Бу борада бир-биридан фарқли турли хил қарашлар илгари сурилгани маълум. Аксар ҳолларда уларнинг аввалгиси кейингисини инкор этгани ҳам аён. Тадқиқотчилар ушбу саволлар устида ҳанузгача ягона тўхтамга келолган эмас. Зоро, бу масалада охирги хulosани айтиш маҳол. Бироқ ҳар бир изланиш ушбу мураккаб ва зиддиятли шахсиятга доир ҳақиқатлар ҳусусида, жилла курса, яна бир карра фикрлашга, мушоҳада юритишга ундаши жиҳатидан ҳам муайян аҳамият касб этади. Шу йўлдаги кичик бир уринишимиз бу борадаги фикрларни умумлаштиришга хизмат қилишидан умидвормиз.

**Муаммонинг ўрганилиши.** Искандар образи ўзбек адабиётшунослигида дастлаб Фозила Сулаймонова томонидан ўрганилган. Олиманинг «Шарқ ва Фарб» китобида Искандарнинг Ўрта Осиёга юриши, у ҳақдаги асалар ва бу образнинг Шарқ адабиётида тутган ўрни ҳақида фикр юритилган.

Натан Маллаев Алишер Навоий «Ҳамса»сидаги «Садди Искандарий» достонини тадқиқ этаркан, Искандар шахси ва образи талқинига махсус тўхталади. Олим Искандар образининг генезиси, яъни тарихий илдизлари, у ҳақдаги ривояту афсоналардан бадиий асаларгача – барчаси ҳусусида муҳим маълумотларни келтиради, уларга илмий нуқтаи назардан муносабат билдиради, аҳамиятли хulosаларни чиқаради.

Абдулла Аъзамнинг «Навоий ва юонон донишмандлари»<sup>3</sup> мақоласида македониялик Александр, афсонавий фотиҳ Искандар ва Куръони Каримда зикр этилган Зулқарнайн фарқлан-

---

<sup>3</sup> Аъзам А. Навоий ва юонон донишмандлари // Тафаккур. 2005. №2. – Б.56 – 57.

ган. Олим уларнинг шахс сифатида ҳам, образ сифатида ҳам алоҳида-алоҳида эканини таъкидлайди.

Файзуллахон Отаконовнинг «Искандар.. Зулқарнайнми ёки Мақдуний?» мақоласида «Зулқарнайн» сўзининг маънолари қисқача шарҳданиб, Александр Македонский ва Куръони Каримдаги Зулқарнайн бошқа-бошқа экани, улар яшаган давр 2700 йилга фарқ қилиши айтилади.

**Манбалар ва талқинлар.** Искандар Зулқарнайнга оид илк манба Куръони Каримдир. «Қаҳф» сурасининг 83 – 98-оятларида у ҳақда қимматли маълумотлар берилган. Бу муборак манбада Зулқарнайннинг аввал Фарбга бориб бир қавмни тўғри йўлга чақириши, кейин эса Шарққа бориб бошқа бир қавмни ҳидоятга тарғиб этиши, шундан сўнг яъжуж ва маъжужлар йўлини тўсиш учун сад боғлаши, яъни девор бунёд этиши сингари маълумотлар зикр этилган.

Куръони Карим маъноларининг ўзбекча изоҳи таржимасида Шайх Аловуддин Мансур «Зулқарнайн» нисбасининг бирбиридан фарқли уч хил талқинини келтиради:

1) баъзилар фикрича, унинг бошида икки шохи бўлган, шунинг учун Зулқарнайн дейилган;

2) айрим ривоятларда у икки кокилли бўлгани учун шу нисбани олгани айтилади;

3) мўътабар манбалардан бирида эса Шарқу Фарбга ҳукмонлик қилгани учун Зулқарнайн атадгани таъкидданади.

Бу муборак китобнинг Шайх Абдулазиз Мансур амалга оширган изоҳи таржимасида «Зулқарнайн» нисбасининг юқоридагилардан фарқди яна икки талқини берилади: 1) Рум билан Форсни забт этгани; 2) икки бор ўлиб тирилгани.

Академик Азиз Қаюмовнинг фикрича: «Искандар мавзууда ёзилган достонларни, албатта, машҳур фотиҳнинг таржимида ҳоли ёки унинг юришлари хроникаси деб қараш мутлақо асоссиз ва хато фикрdir. Бу достонлар шу машҳур шахс орқали ўша мутафаккир муаллифларнинг ўз ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий, эстетик қарашларини ифодаловчи асарлардир».<sup>4</sup>

<sup>4</sup> Қаюмов А. Садди Искандарий // Асарлар. 1-жилд, 2-китоб. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б.243.

Натан Маллаевнинг ёзишича, «Румий» ва «Мақдон» нисбалири Искандарнинг ватанини ифодаласа, «Зулқарнайн» – унинг шахсини илоҳийлаштириш заминида юзага келган сифат.<sup>5</sup>

Файзуллахон Отаконов мақоласида Ибн Касир тафсирига таянилиб «бошида мисдан ясалган шоҳсимон дубулға бўлгани учун» шундай номлангани ҳақида маълумот берилади.<sup>6</sup>

Искандар ҳақидаги эътиборли манбалардан яна бири Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асаридир. Бу асарнинг «Иккинчи табақа каёнийлардур» бобида Искандарга алоҳида тўхталингган. Дастреб Искандар шахсияти ва «Зулқарнайн» нисбасининг бир-биридан фарқли талқинлари хусусида маълумот берган улуғ мутафаккир фикрларини қўйидагича таснифлаш мумкин:

1) баъзилар уни Дороб ўғли деган. «Банокатий» ва «Девон ун-насаб» китобларида Искандар Хурмуз ўғли экани айтилади. Айримлар фикрича, унинг отаси Бозур бинни Албон Искандария подшоҳи бўлган;

2) унинг умри 1600 йил, Зулқарнайн унинг лақаби экани айтилади. У замонда минг йил бир қарн дейилиши таъкидланиб, икки минг йиллик юзини кўргани учун Зулқарнайн нисбасини олгани қайд этилади.

Кўриниб турибдики, «Зулқарнайн» нисбасининг талқинлари анчагина. Аксар ҳолларда уларнинг аввалгиси кейингисини инкор этиб келгани ҳам аён. Тадқиқотчilar ушбу саволлар жавоби масаласида ҳанузгача ягона тўхтамга келолган эмас. Зоро, бу борада охирги хulosани айтиш маҳол. Бироқ бу ҳақдаги тадқиқотларнинг барчасида қўйидагича муштарак хulosага келингган: биринчидан, Искандар Зулқарнайн – нодир шахс, иккинчидан, у – одил шоҳ.

**Гарб ва Шарқ адабиётида Искандар ҳақида яратилган асарлар.** Гарб адаблари Искандар мавзусида кўплаб асарлар ёзишган. Плутархнинг «Искандар Мақдунли» асари шулар жумласидандир. Асарда адаб Искандарнинг ҳаётини тасвирлар-

<sup>5</sup> Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б.117 – 149.

<sup>6</sup> Отаконов Ф. Искандар... Зулқарнайнми ёки Мақдуний? // Ирмоқ, 2007. №4.

кан, асосий эътиборни унинг руҳиятини кўрсатадиган ҳолатлар талқинига қаратади. Масалан, у Искандарнинг болалик даври ҳақида ёзаркан, унинг ўша кезлари ёқ, жаҳонгирликка, жасоратга интилганини мана бундай тасвирлайди: «Искандарнинг отаси Филипп бирон-бир донғи чиққан шаҳар устидан галаба қозонгани ҳақида хабар келганда Искандар тундлашиб тенгқурларига шундай деркан: «Хўй болалар, отам ҳамма жойни босиб олиб менга ва сизларга ҳеч қандай буюк ва ёрқин ишлар қодирмайди».

Квинт Курций Руфнинг ўн китобдан иборат «Македониялик Искандар» асарида ҳам жаҳонгирнинг ҳаёт йўли ёритилган. Лукианнинг «Ўликлар дунёсидағи сұхбатлар» асаридаги Искандар образи талқини ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради.

Искандар Зулқарнайн мавзуси Шарқ адабиётида ҳам ўзига хос ўринга эга. У ҳақда жуда кўп бадиий асарлар битилган. Абулқосим Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асарида Искандар образини яратган.

XIII – XIV асрларда ҳамсанавислик кенг тус олди. Анъанага мувофиқ, «Ҳамса»даги беш достондан бири, албатта, Искандарга бағишлиланган. Булардан биринчи бўлиб жаҳонгир ҳақида йирик достон яратган шоир Низомий Ганжавийдир. Низомийнинг бу мавзуга оид достони «Искандарнома» деб аталиб, у икки қисм – «Шарафнома» ва «Иқболнома»дан иборат. Достонда Искандарнинг инсоний фазилатлари талқинига алоҳида дикъат қаратилган. «Искандарнома»да қаҳрамон фаолияти уч нуқтаи назардан ёритилган: жаҳонни забт этувчи; донишманд-файласуф ва пайғамбар. Искандар образи одил шоҳдан олим файласуф-донишманд даражасига ва, ниҳоят, набийликка кўтарилгани асарда юксак бадиият билан тасвирланган.

Хусрав Деҳлавий «Ҳамса»сидаги Искандарга бағишлиланган достонни «Ойнаи Искандарий» деб номлади. Шоир бу тарихий образ орқали ўзининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳақидаги фикрларини, адолатли тузум ўрнатиш тўғрисидаги орзу-умидларини ифодалайди. Низомий Искандарни пайғамбар тимсолида тасвирлаган бўлса, Хусрав Деҳлавий уни авлиё сифатида талқин этади.

Абдураҳмон Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» достони Искандарга бағишлиланган бошқа достоналардан фарқ қила-

ди. У, асосан, панд-насиҳат усулида ёзилган бўлиб, достон етти хираднома, яъни донишмандлик китобидан иборат.

Алишер Навоий дастлаб «Ҳамса»нинг аввалги достони саналган «Ҳайрат ул-аброр»да Искандар ҳикоятини келтиради. Бу ҳикоя «Искандарнинг етти иқдим мамолигини панжаки тасарруфига кийирғони ва холий илик била оламдин рихлат маркабин сурғони» тўғрисидадир. Ҳикоятда тасвирланишича, дунё ҳукмронлигига эришган Искандар ўз яқинларига вафот этганида жасадини қабрга элтишдан оддин қўлини тобутдан чиқариб қўйишларини васият қилади. Бундан муаллиф чиқарган поэтик хулоса эса қўйидагичадир:

*Жисмида жон йўқ бу макондин борур,  
Холий илик бирла жаҳондин борур.  
Кимки жаҳон мулки ҳавасдур анга,  
Ушибу илик тажриба басдур анга.*

«Ҳамса»нинг бешинчи достони – «Садди Искандарий»да Навоий одил шоҳ тимсоли бўлган Искандар образини салафларидан мутлақо ўзгача тасвирлашга эришди. У достонни ижод этаркан, Искандарни мана бундай таърифлайди: «Жаҳон кишвари Искандар томонидан фатҳ этилган эди. Мен ҳам у каби саркардалик қилиб қўшинни зарару оғатлардан ҳимоя қилай. Искандар ер юзидағи қуруқлик ва денгизларни кезиб фатҳ этгани каби, мен ҳам назм билан бутун хўлу қуруқликни мусаххар қилай, забт этай. Достонда Искандар ҳақида сўз юритарканман, унинг ҳаёти зойил бўлиб, дунёдан ўтган бўлса ҳам, оти ва бутун сифатлари менинг қаламим туфайли яна тирилсин».

Навоий Искандарни солиҳ банда, адолатли шоҳ қиёфасида тасвирлайди. Улуғ мутафаккир «Садди Искандарий»ни ёзишда асос, манба сифатида Куръони Каримдаги Зулқарнайн ҳақидағи маълумотларга таянган. Асарнинг номланиши ҳам ана шу манба билан боғлиқ. Куръони Каримдаги сингари улуғ мутафаккир достонида ҳам Зулқарнайнинг яъжуҷ-маъжуҷларга қарши сад боғлагани – девор барпо этгани хусусида сўз боради. Достон сюжетида Искандар тимсоли орқали муаллиф орзу-идеаллари бетакор бадиият билан санъаткорона ифодаланганди.

Искандар образи XX – XXI асрлар ижодкорлари томонидан ҳам турдича талқин этиб келинади. Мақсад Шайхзоданинг «Ис-

кандар Зулқарнайн» эртак-достони халқ орасида тарқалган Искандар ҳақидаги ривоят асосида ёзилган. Адиб бу ривоятни гоявий ва бадий жиҳатдан бойитиб, шу негизда ўз эртак-достонини яратади.

Назар Эшонқулнинг «Сибизға воласи»<sup>7</sup> миф-ҳикояси Искандар ҳақидаги мавжуд талқинларга мувофиқ келмаслиги билан алоҳида ажралиб туради. Қуръони Каримда ва унга таяниб ёзилган асарларда Зулқарнайн қавмларни тўғри йўлга бошловчи, ҳатто уларни яъжуҷ ва маъжужлардан сақлаш мақсадида сад (девор) қуриб берган халоскор шахс сифатида тасвирланган. Навоий ҳам Искандарни буюк жаҳонгир, умри сўнгига онасига ёзган васияти мисолида, дунёнинг катта қисмини зabit этган бўлишига қарамай, қўлинни тобутдан чиқариб бу ёруғ оламдан қуруқ кўл билан кетаётганини билдириш ниятидаги соғ ниятли мутафаккир қиёфасида тасвирлаган. «Сибизға воласи» ҳикоясини ўқиган китобхон эса Искандарга ижобий баҳо беролмай қолади. Асардаги «Искандарни ташқарида хушсурат, алпқомат, икки елкасига иккита фаришта қўниб туради, сиймоси тонг офтоби каби шафақ таратади деб таърифлашарди. Кўз олдимда анчайин хунук, юзи гезарган, кўзлари ўлжа кўрган бўриникидек совуқ, кишига ҳамиша шубҳа ва гумон билан бокадиган бадбуруш кимса турарди» сингари тасвирлар ҳам фикримизни тасдиқлади.

Умуман, Искандар Зулқарнайн образи дунёнинг аксар адабиётшунос ва тарихчи олимлари ҳамда жаҳон адабиётининг жуда кўп салоҳиятли шоири адибларини ўзига оҳанрабодек тортиб келган, турлича бадий ва илмий талқинларга мавзу берган. Бизнингча, «Садди Искандарий»даги ҳазрат Навоий талқини бу образ бор мураккаблиги билан тасвирлангани жиҳатидан ўзига хос поэтик мезон вазифасини ўтай олади.

<sup>7</sup> Қаранг: Ёшлиқ. 2012. №5.

## ЧИН НАҚШИ ҲАМ РАШИК ЭТАР...

Ватанимиз Ўзбекистон сингари Хитой ҳам қадим маданият ўчоқларидан. Хитой йилномаларида нафақат бу мамлакат, балки Ўрта Осиёдаги кўплаб давлатлар ва миллатлар тарихига оид нодир маъдумотлар учраши ҳам фикримизнинг исботидир.

Шу боис ўзбек мумтоз адабиётида, жумладан, улуф шоир ва мутафаккир Алишер Навоий шеъриятида бу мамлакатнинг қадимги номи – Чин атамаси кенг қўлланган. Негаки «Навоий Ўрта Осиё, Эрон, Кавказ, Хитой, Ҳиндистон ва Юнон (Греция) сингари қадимги маданий ўлкаларнинг тарихий, маданий бойликлари билан яқиндан таниш эди».<sup>8</sup> Шоҳ асари – «Ҳамса»нинг бош қаҳрамони Фарҳод Чин хоқонининг ўғли экани ҳам, «Садди Искандарий»да Хитойга қўшин тортиб борган Искандарнинг Чин хоқони билан мулоқоти талқини ҳам буюк шоирнинг Хитойга эътибори ва қизиқиши катта бўлганини тасдиқлайди.<sup>9</sup> Бироқ айрим қайдларни истисно қилганда, Алишер Навоий ижодидаги Чин мавзусига оид талқинлар адабиётшуносликда шу пайтга қадар маҳсус ўрганилган эмас.

Келинг, кузатувни айнан «Фарҳод ва Ширин»дан бошлийлик. Улуф мутафаккир Фарҳод таваллуд топган Чин мулкини таърифларкан, энг гўзал ташбехларни қўллади:

*Ки, Чин мулкики, рашки нақши Чиндур,  
Саводи гайрати хулди бариндур.<sup>10</sup>*

Бу ўринда «савод» сўзи «ўлка», «худуд» маъноларида келган бўлса, «райрат» сўзи «рашқ, қизғаниш» мазмунида.<sup>11</sup> Байт шар-

<sup>8</sup> Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б.54.

<sup>9</sup> Академик Азиз Қаюмовнинг «Садди Искандарий» тадқиқотида «Искандар ва Чин хоқони» деган алоҳида бобда бу хусусда батафсил фикр юритилган.

<sup>10</sup> Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин // Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.8. – Б.60 (Бундан кейин ушбу манбадан олинган иқтибослар саҳифаси қавсда ФШ ҳарфларидан сўнг келтирилади).

<sup>11</sup> Навоий асарлари лугати / Тузувчилар П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.538, 751.

ҳи: «Чин мулкининг гўзаллигига Чин нақшининг ўзи ҳам рашик қиласди, бу ўлка ҳудудига жаннат ҳам ҳавас билан қарайди». Демак, комил инсон тимсоли бўлган Фарҳод ана шундай гўзал ўлкада туғилади.

Ёки мана бу байт мазмунига дикқат қилинг:

*Бу гулшанини рашики нақши Чиндур,  
Насими ҳам, гули ҳам оташиндур (ФШ, 45).*

Чин нақшлари ҳам рашик қиласдиган бу гулшанинг насими (шамоли) ҳам, гули ҳам оташин, яъни одамнинг кўзига иссиқ кўринади, бениҳоя ёқимли дейилмоқда мазкур байтда.

Ушбу таърифларнинг ўзиёқ ҳазрат Навоий қалбида Чинга қизиқиши нечоғлик баланд бўлгани далилийdir. Худди шундай фикрларни улуғ шоирнинг «Ҳайрат ул-абброр» асарига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Достонда Чин атамаси қўлланган байтлар қуйидагича:

*Нақшига тенг тутмай ўзин нақши Чин,  
Оlam ўлуб илгода нақши нигин.<sup>12</sup>*

Асарда қай бир ўринда гўзалик тўғрисида, нақш ҳақида, наққошлик ҳунари ҳусусида сўз кетса, қиёсан, албатта, «нақши Чин», «наққоши Чин» бирикмалари қўлланганини кузатиш мумкин. Бу ҳол, биринчидан, Хитойда қадимдан наққошлик ривож топганини кўрсатса, иккинчидан, ҳазрат Навоийнинг бу халқ санъати борасидаги эътирофидан далолат беради. Мана бу мисралар ҳам ушбу фикрни қувватлади:

*Бор эди Чин мулкида бир нозанин,  
Ожиз анинг нақшида наққоши Чин (ҲА, 301).*

Худди шунга яқин фикрлар бошқа бир байтда ҳам гўзал поэтик шаклда ифодаланган:

*Қасрлари борча рафиу матин,  
Килк ушотиб нақшидан наққоши Чин (ҲА, 312).*

<sup>12</sup> Алишер Навоий. Ҳайрат ул-абброр // Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.7. – Б.96 (Бундан кейин ушбу манбадан олинган иқтибослар саҳифаси қавсда ҲА ҳарфларидан сўнг келтирилади).

Алишер Навоий лирик қуллиётини «Хазойин ул-маоний» деб атаган. Навоийшунос олимларимиз тұғри қайд этгандаридек, бу қуллиёт чиндан-да маңнолар хазинасиدير. Ана шу хазинадан жой олган ғазалларда Чин атамаси гүзәл ташбәхлар, бетакрор метафоралар орқали құлланғани кузатилади. Шоирнинг «Фаройиб ус-сигар» девонидан олинган мана бу байт ушбу фикрни тасдиқлайды:

*Ваҳ, не юздур улки тақлидин қилиб наққоши Чин  
Чекса юз суврат, бирин юздин намудор айламас.*

Байтда ёр ҳұсну малоҳати тажнис санъати орқали бетакрор ифодаланған. Юз сўзи икки ўринда икки хил: 1) ёр чехраси; 2) миқдор маңноларида құлланған. Ёр гүзәлліги тасвири учун шоир «наққоши Чин» бирикмасидан метафора сифатида фойдаланған.

*Тақев эви ҳамвор эрур, субҳам или зұннор эрур,  
Үй күлбайи хаммор эрур, то күрдүм ул Чин луъбатин.*

Ушбу байтдаги «Чин луъбати» бирикмаси «Навоий асарлари лугати»да «Чин гүзали» дея изоҳданған.<sup>13</sup> Байтда Чин гүзалини күрган ошиқ ҳолати ирфоний моҳият ҳамда бетакрор бадиият билан ифодаланған. Мана бу байтда эса табиат тасвири ошиқ руҳияти билан уйғунликда охорли поэтик талқин этилған:

*То даشت баҳор бирла рангин бүлгай,  
Гулзор нигорхонаи Чин бүлгай.*

Нигорхона суратлар билан безатылған хона маңносини англатади. Шоир дашт түрли ранг билан безанған баҳорда гулзор Чин нигорхонасига айланади дея таносуб ва ташбеҳ санъатлари воситасида ўзи ифодаламоқчи бүлған фикрни зийнатлади. «Нигорхонаи Чин» бирикмаси байт мазмуннанда етакчи мавқега эга ва шоир бадиий ниятини ифодалашда калит сўзлар вазифасини ўтаган дейиш мумкин.

Алишер Навоийнинг «Наводир уш-шабоб» девонида ҳам Чин билан боғлиқ ташбәхлар, метафоралар маҳорат билан ифодаланған.

<sup>13</sup> Навоий асарлари лугати / Тузувчилар П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.342.

*Чин кийиги десам күзин, вах, недурур итоб анга,  
Чунки қароси күргузур ҳар сари мушки ноб анга.*

Бу байтда шоир маъшуқа кўзини Чин кийигига ташбек эта-ди. «Мушки ноб» соф мушк, тоза мушк; ўта хушбўй<sup>14</sup> маъно-ларини англатади. Чин атамаси фақат ушбу байтдагина эмас, бошқа ўринларда ҳам муайян сўз билан биргаликда ана шун-дай гўзаллик, мукаммаллик тимсоли сифатида қўллангани ку-затилади.

Мана бу байт жозибаси ўқувчини ҳайрат денгизига чўмди-ради. Бадииятнинг, шеъриятнинг қурдати нечоғлиқ юксак эканини англаш имконини беради:

*Келди Чин наққоши ул юз нақшини қилмоққа тарҳ,  
Чехра очиб нақши девор айладинг наққошни.*

Маъшуқанинг гўзаллиги шу даражадаки, унинг юзидағи гўзалликни тасвираш ниятида келган наққошнинг ўзи деворга нақшланиб қолади. Яъни унинг гўзаллигини тасвирашга мўйқалам ожиз. Бу ҳам майли, ҳатто мусаввирнинг ўзи ҳам асл ниятини унутиб, деворга суюнишдан ўзга чора тополмайди.

*Оразинг Чин нақши зулфунг мушку ҳарён хол эрур,  
Ҳинд эликим Чинга келмиш мушк савдо қилгали.*

Бу байтдаги фикр том маънода оҳорли. Чинакам санъат-кор шоиргина бундай мисраларни ижод қилишга қодир. Шоир байтда гўзал ташбек ва теран мазмун мутаносиблигига эриша олган. Тасаввур қилинг: ёрнинг орази (юзи) Чин нақшига менг-залади, зулфи эса мушкка. Унинг гўзал юзига ярашиқди хол-лари шу қадар кўпки, гўё Ҳинд эли (ҳиндистонликларнинг қора-чадан келганига ишора) Чинга мушк савдо қилгани ташриф буюрган.

Чин атамаси билан боғлиқ бундай поэтик талқинларни шо-ирнинг барча девонларида мутолаа қилиш мумкин. Жумла-дан, «Бадоёй ул-васат» девонидаги мана бу мисралар ҳам ушбу фикрни қувватлайди:

*Асру ваҳшийдур менинг мушкин гизолим, эй кўнгул,  
Чин кийиги гўйиё бермииш анга туққонда сут.*

<sup>14</sup> Кўрсатилган манба. – Б.433.

Шоир лирик асарларида «наққоши Чин», «нигорхонаи Чин», «нофай Чин», «мушки Чин», «Чин луъбати», «Чин кийиги», «Чини зулф» сингари тушунчалар кенг қўлланади. Энг муҳими, улар фикрни куттилмаган миқёсларда гўзал поэтик тасвир орқали ифодалаш имконини беради. Куйидаги байт ҳам бунинг исботидир:

Чини зулфунг гами муҳлик дедим, ўлтурма мени,  
Чин дедим, ҳар неки мен зори гамандўз дедим.

Хулоса қилиб айтганда, ҳазрат Алишер Навоий шеъриятида Чин атамаси бир-бирини такрорламайдиган, оҳорли талқинларга асос бўлган. Бу фикр шоирнинг «Ҳамса» достонларига ҳам, лирик шеърларига ҳам бирдай таалдуқлидир.

## ТИЛ – БАДИИЯТ АСОСИ

### «САДДИ ИСКАНДАРИЙ» ДОСТОНИДА АРХАИК СҮЗЛАРНИНГ ЎРНИ

Қадимда қўлланиб, ҳозирги кунда истеъмолдан чиқиб кетган тарихий сўзлар архаик сўзлар ҳисобланиши маълум. Профессор Шавкат Раҳматуллаев «Эскилик бўёғи бор тил бирлиги архаизм (юонча arshaios – «қадимги»)»<sup>15</sup> деб ҳисобласа, «Она тили қомуси» муаллифларининг ёзишича: «Архаик сўз – ўз ўрнини бошқасига бўшатиб берган сўз. Ижтимоий тараққиёт натижасида айрим нарса-ҳодиса бошқа лексема билан аталиб, аввалгиси истеъмолдан чиқиб кетади».<sup>16</sup>

Архаик сўзлар бадиий адабиётда кенг қўлланади. Айниқса, мумтоз адиллар асарларида архаизмлардан унумли фойдаланилган. Архаик сўзларни ўрганишда улуғ мутафаккир Алишер Навоий адабий мероси энг ишончли манба вазифасини ўташи мумкин. «Хамса»нинг бешинчи достони – «Садди Искандарий»-даги айрим архаик сўзлар таҳдили орқали ушбу фикрни исботлашга ҳаракат қиласми.

Достонда қўлланган **«овурт»** сўзи «лунж» маъносини англатади.<sup>17</sup> Ўзбек тилининг этимологик лугатида ушбу архаик сўз келтирилмаган. Бу сўз асарда бор-йўғи бир марта қўйидаги байтда қўлланган:

*Бижин топса ер, то ичига сигар,  
Не қолса **овуртига** борин йигар.*<sup>18</sup>

<sup>15</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2006. – Б.95.

<sup>16</sup> Она тили қомуси / Тузувчилар Б.Менглиев, Ў.Холиёров. – Тошкент, 2010. – Б.15.

<sup>17</sup> Навоий асарлари лугати / Тузувчилар П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.478 (Бундан кейин ушбу манбадан олинган иқтибослар саҳифаси қавс ичida НАЛ ҳарфларидан сўнг келтирилади).

<sup>18</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий // Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. – Тошкент: Фан, 1993. Т.11. – Б.96 (Асардан олинган бундан кейинги иқтибослар саҳифаси қавс ичida СИ ҳарфларидан сўнг кўрсатилади).

Мазмуни: маймун топганини ичига сиққанча еб, қолганини лунжига түплайди.

Асарда **қўпмоқ** (НАЛ, 749) архаик сўзи турмоқ, қўзгалмоқ маъноларини билдириб, жами 34 марта қўлланган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу сўзнинг Алишер Навоий замонида фаол лексик бирлик бўлганидан дарак беради. «Ўзбек тилининг этимологик лугати»да мазкур архаик сўз изоҳи учрамайди. Ушбу сўз «Садди Искандарий»да қуйидаги маъноларда келган:

*Ки, ҳижрон бисотин тай этмак керак,  
Қўпуб Ҳақ висолига етмак керак (СИ, 26).*

Мазмуни: Ҳижрон майдонини тарк этмоқ ва юксадиб Ҳақ висолига етмоқ керак. Демак, бу байтда «қўпмоқ» архаик сўзи «юксалмоқ, камолга эришмоқ» маъносида қўлланган.

*Скандар қўпуб, қўйди хилватқа юз,  
Алар қўйдилар борча ҳикматқа юз (СИ, 243).*

Байт мазмуни: Искандар туриб хилватни макон этди, (унинг билан ҳамроҳ бўлган Афлотун, Арасту, Балинос, Суқрот сингари) ҳакимлар эса ҳикматга юз тутдилар. Ушбу байтда мазкур архаик сўз «турмоқ» маъносини ифодалаган.

Асарда «қўпмоқ» сўзи мантиқ тақозосига қараб *турмоқ, юксалмоқ, қўзгалмоқ, кўтарилмоқ* каби маъноларни англатиб келгани кузатилади.

«Садди Искандарий»да 1) машаққат, кулфат; 2) эмаклаш маъноларини англатувчи **эмгак** (НАЛ, 707) архаизми жами 5 марта қўлланган. «Ўзбек тилининг этимологик лугати»да бу сўз «қийинчиллик» мазмунини билдириши айтилиб, бошқа сўzlарга нисбатан оз ишлатилгани қайд қилинган ва унга қуйидаги мисол келтирилган: **Рўзгор эмгаклари тугамас** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилдаги «меҳнат», «машаққат» маъносини англатган».<sup>19</sup> Достон матнидан мазкур архаизм қўлланган қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

*Ғамим йўқтур ўлмакда эмгак учун,  
Нединким тугар кимса ўлмак учун (СИ, 18).*

<sup>19</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати. – Тошкент, 2000. I жилд. – Б.463 – 464 (Бундан кейин ушбу лугат номи ЎТЭЛ тарзида қисқартириб берилади).

Мазмуни: Ўлим *машаққатидан* қўрқмасман, чунки инсон ўлмак учун туғилади. Асарнинг муножот қисмида келган ушбу байт қисматга розилик маъносини ифодалаган. Қуидаги байтда ҳам мазкур архаик сўз шу мазмунда келган:

*Сангаким ийүқ эмгакда гоят падид,  
Улус меҳнатида ниҳоят падид* (СИ, 569).

Байт мазмуни: Сенга қийинчиликнинг чегараси йўқлиги маълум, ахир улус машаққатининг охири бўлмаслиги аён-ку.

**Ўкуш, ўтуш** кўп, анча, талай сингари маъноларни англатиб (НАЛ, 718), асарда 7 марта қўлланган. ЎТЭЛда бу сўз изоҳланмаган.

**Ўкуш** тийраликлар аро турфа боқ  
Ки, чарх этти мушкум саводини оқ (СИ, 17).

Байт мазмуни: шунча **кўп** фам-ғуссалар етмаганидек, чарх кўзим қорачигидаги қорани ҳам оққа бўяди, яъни кўзимни кўр қилади.

*Туман минг шарор ичра бир ламъа нур,  
Ўкуш хайли нор ичра бир ламъа нур* (СИ, 32).

Мазмуни: неча минг учқун аро бир шуъла нур, кўп олов тўпи ичра бир шуъла нур. Бу байтда меъроj воқеаси қадамга олинган, «ўкуш хайли нор» дейилганда саноқсиз фаришталар на зарда тутилган бўлса, «бир ламъа нур» жумласи орқали пайтамбаримизга ишора қилинган. Юқоридаги ҳар икки байтда «ўкуш» архаизми «кўп» маъносида келган.

**Ишнамак** ялтирамоқ, порламоқ маъноларини билдириб (НАЛ, 290), достонда бир маротаба қўлланган. Ушбу архаик сўз ЎТЭЛда учрамайди.

*Чоқиб барқ ўти оҳалар ишнари,  
Чекиб раъд уни боралар кишинари* (СИ, 176).

Шарҳи: «Қуролларнинг бир-бирига урилишидан чақмоқ ўти ярқирап, отларнинг кишинашидан эса момақалдироқ садоси эшитиларди.

*Ҳар ашҳабки, кўйка боқиб кишинабон,  
Қуёш ашҳаби тобидек ишнабон* (СИ, 297).

Байтни қуидагича изоҳлаш мумкин: бўз (оқимтири) отларнинг ҳар бири кўкка боқиб кишинар, бу бамисоли қуёш отлари (нурлари) тобининг *порлашига* ўхшар эди.

**Чопқун** (НАЛ, 682) 1) талон-торож; тўуплон; 2) бўрон, зўр шамол маъноларида келиб, асарда 4 марта қўлланган. Ушбу сўз ҳам ЎТЭЛда изоҳданмаган.

*Чу дай хони ел хайлидин ун солиб,*

*Чаман кишвари сори чопқун солиб* (СИ, 227).

«Дай» қиши мавсуми, қаттиқ совуқ каби маъноларни билдириб (НАЛ, 174), «хон» сўзи билан биргаликда мажозан қаҳратон ҳукмдори мазмунида келган. Шунга кўра, байтни қуидагича изоҳлаш мумкин: қаҳратон ҳукмдори, яъни қиши шамол тўпу билан сурон солиб чаман мамлакати сари бўрон йўллади.

**Кулловуз (қалловуз)** сўзи икки хил маънони англатади: 1) етакчи, йўлбошловчи; 2) жосус (НАЛ, 745). Бу сўз достонда бир матотаба қўлланган бўлиб, ЎТЭЛда учрамайди.

*Кулловузлуғ айлаб, бўлуб раҳнамой*

*Тушурди Скандарни фархунда Рой* (СИ, 313).

Ушбу байтда Ройнинг етакчилик қилиб Искандарни Ҳинд сари бошлагани ҳамда Нигор бешасига олиб боргани ҳақида хабар берилади.

**Индурмак** юқоридан пастга туширмоқ маъносини англатиб (НАЛ, 274), асарда 6 марта қўлланган. Ушбу сўз ҳам ЎТЭЛда шарҳланмагани кузатилади.

*Бош индурмаган айлаб изҳори таън,*

*Не тонг, таън нуни анга тавқи лаън* (СИ, 14).

Асарнинг ҳамд қисмида келган мазкур байтда такаббурлиги сабабли таъна қилиб Одам Атога бош *индурмагани*, яъни сажда қилмагани учун «таъна»даги «нун» тавқи лаънат ўлароқ бўйнига осилган Иблиснинг қисматига ишора этилган.

*Агар хасм бу сўзга индурса бош,*

*Узотқай қилиб дўстона маош* (СИ, 328).

Бу байтда Ҳинди斯顿ни эгаллагач Чин, яъни Хитойга юриш қилган Искандарнинг адоватни ошкор этмоқдан аввал сулҳ тақлифини ўйлагани хусусида сўз боради. «Индурмоқ» бу байтда

«күнмоқ» маъносида келган. Яъни душман агар сулҳ таклифига кўнса, у дўстона зиёфатлар беради.

**Тегру** архаик қўшимча ҳисобланиб, ҳозирги -гача, -га, қадар қўшимчаларига мувофиқ келади (НАЛ, 607). Асарда 32 ўринида қўлланган бу қўшимча ЎТЭЛда изоҳланмаган.

*Мунга тегру андинки, ўзни билиб,  
Залолат аро умр зойиъ қилиб (СИ, 18).*

Аввалги байтда инсон умри бебақо экани ҳақида сўз юритилган. Бу байт маъноси: модомики шундай экан, инсон ўзини, ўз моҳиятини англамоги зарур. Умрни залолат аро зое қилмаслик керак.

**Тузлук** – тўғрилик, ҳалоллик маъноларини англатувчи (НАЛ, 615) бу сўз достонда 7 марта қўлланган бўлиб, ЎТЭЛда учрамайди.

*Туз айлаб тарозу ики бошини,  
Темурдин ясад, муҳр этиб тошини (СИ, 114).*

Байтда Искандар тахтга ўтиргач тарозини тўғрилаб, тошларини темирдан ясаттириб, муҳрлатгани – ҳалолликни жорий этгани васф қилинади. Бу ва бошқа барча ўринларда «туз» сўзи тўғрилик, ҳалоллик маъноларида келган.

**Менгиз (мингиз)** бет, юз, чеҳра (НАЛ, 388) маъноларида; **мижка (мужа)** эса киприк (НАЛ, 391) мазмунида келган бўлиб, бу икки сўз бор-йўги бир мартадан, бир байт таркибида қўлланган. ЎТЭЛда «менгиз» сўзи учрамайди, «мижжа» сўзи эса «мижжака» шаклида берилган бўлиб, қуидагича изоҳланган: «Киприк» маъносини англатадиган бу от ПРС (Персидско-русский словарь)да [мож] шаклида сирғалувчи ж товуши билан (487), ТжРС (Таджикско-русский словарь)да *мижка* шаклида сирғалувчи ж товуши билан (228)... келтирилган» (ЎТЭЛ, З, 138).

*Менгизлари гул-гул, мижжалари хор,  
Қабоглари кенг-кенг, оғизлари тор (СИ, 372).*

Бу байтда Искандарга Чин хоқони юборган канизлар васф этилган. Маъноси: чеҳралари мисоли гул, киприклари бамисли тикан; қовоқлари кенг-у, оғизлари тор.

**Кулоч** икки хил маънога эга: 1) ҳолвага ўхшаш бир турли ширинлик; 2) шарбат, бодом ва қаймоқ солиб қилинган кулчи

(НАЛ, 321). Асарда икки марта қўлланган ушбу сўз ЎТЭЛда изоҳданмаган.

*Йўқ улким шаҳ оллида қўйгай кулоч,  
Гадога қуруг нону ёвғон умоч (СИ, 385).*

Байтда Чин хоқонининг меҳмондўстлиги, бу борада унинг шоҳу гадога баробар эканига қўйидагича далил келтирилади: у шоҳ олдига *шарбат*, бодом ва қаймоқ солиб қилинган кулча, гадога эса қуруқ нон билан ёвғон умоч қўядиганлардан эмас.

**Ёнмоқ** қайтмоқ (НАЛ, 210) маъносини бериб, асарда 15 марта қўлланган, ЎТЭЛда шарҳданмаган.

*Чу шаҳ оллида қилди арзи ниёз,  
Ёниб қилди ваҳший сори турктоz (СИ, 437).*

Мазмуни: Шоҳ олдига келиб арзи ниёз қилди, қайтгач эса ваҳшийларни форат қилишга (овга) киришди.

**Сумурмак** – шимирмоқ (НАЛ, 575). Бу сўз достонда уч марта қўлланган бўлиб, ЎТЭЛда изоҳданмаган.

*Адаб бирла шоҳона согар сумур,  
Димоғинг чу гарм ўлди афсона сур! (СИ, 77)*

«Садди Искандарий»да ҳазрат Алишер Навоий Ажам подшоҳларидан пешдодийлар ҳукмронлиги даврига хос ибратли ишлар ҳақида ёзаркан, ушбу байтни хulosса сифатида келтиради. Байт мазмуни: (эй Навоий) шоҳона майни одоб билан *шимир*, димоғинг қизигач, назм давомига кириш. Таъкидлаш керакки, улуғ шоир бу ўринда «согар» деганда моддий майни эмас, мажозан илҳом майнини назарда тутган.

Умуман, «Садди Искандарий»да қўлланган мазкур архаизмлар таҳдили бу сўзларнинг XV асрда фаол ишлатилганини кўрсатади. Ушбу мақолада асардаги 15 та архаик сўз таҳдил қилинган бўлса, шулардан 12 таси ЎТЭЛда изоҳданмаган.

## «ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР» РОМАНИДАГИ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲДИЛИ

Тил бирлиги сифатида фраземалар алоҳида аҳамиятга эга. Тилшуносликда фраземаларга берилган таърифлар турлича. Жумладан, профессор Раҳматуллаевнинг фикрича: «Фразема тил қурилишининг лугат босқичига мансуб иккинчи лисоний бирлик бўлиб, биттадан ортиқ лексеманинг ўзаро семантик-синтактик бирлашуви билан таркиб топган бўлади. Шунга кўра, тузма сегмент бирлик дейилади; синтактик тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапшаклга тенг бўлиб, одатда, номинатив ва сигнификатив вазифа бажаради, лекин лексемадан ифода жиҳати билангина эмас, мазмун жиҳати билан ҳам фарқ қиласди».<sup>20</sup>

Таркиби бир сўздан иборат бўлиб, нарса, белги, шахс, ишҳаракат тушунчаларини умумий ифодалайдиган лексик ҳодиса бу – сўз. Таркиби икки ва ундан ортиқ сўздан иборат эсада, грамматик жиҳатдан алоқадор бўлмаган, кўчма маънода қўлланадиган лексик ҳодиса эса фраземадир.

Бадий асар тили фраземалар билан зийнатланган бўлса, сўзнинг таъсир кучи ошади, завқ билан ўқилади. Фраземалар сўзлашув ва бадий услубда кўп қўлланади. Фраземаларнинг услубий-семантик хусусиятлари бадий услубда кўпроқ намоён бўлади. Фраземаларнинг услубий-семантик хусусиятлари ни «Юлдузли тунлар» романни матни мисолида кўриб чиқалик. Асарда жами 200 га яқин фразема қўллангани адабнинг она тилимиз ифода имкониятларидан нечоглик самарали фойдаланганидан дарак беради. Романдаги фраземаларни семантик жиҳатдан куйидагича гурухлаш мумкин:

**1. Ҳаракат билдирувчи фраземалар:** Рўзадорлар кунни қандай кеч қилишларини билмай тезроқ қош қорайшини интизорлик билан кутишарди.<sup>21</sup> Бу гапда рўзадорлар тезроқ кеч тушиб, рўза очилиши вақти бўлишини интизор кутиши ҳақида

<sup>20</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2006. – Б.418.

<sup>21</sup> Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – Б.8 (Ушбу асардан олинган кейинги иқтибослар саҳифаси қавс ичida ЮТ ҳарфларидан кейин берилади).

сўз юритилган. «Ўзбек тилининг фразеологик луғати»да бу ибора қуйидагича изоҳланган: «**Қош қорайди** фалакда ёруғлик ўрнини қоронфилик олди. Синоними: кун қорайди, кўз қорайди».<sup>22</sup>

– Яна тағин гўзал малика билан яшириқча тил бириткириб сурат чизгани қизнинг подшоҳ отасига маълум бўлса борми, мулла Фазлидинни *тилка-пора қилиб ташлашлари* ѡч гап эмас (ЮТ, 13). Бу ерда сир ошкор бўлса, уни соғ қўймасликла-ри назарда тутилган. ЎТФЛда эса мазкур ибора маъноси изоҳланмаган.

– Аҳмадбекдек, мендек жантовар беклар учун подшоҳ ҳозир сиздеклардан қанчасининг *баҳридан ўтур* (ЮТ, 18). Ушбу гапда баҳридан ўтур кечмоқ маъносида келган. ЎТФЛда: **Баҳр(и)-дан ўтмоқ** ибораси қуйидагича изоҳланган: «*Ким ниманинг ёки кимнинг* фойдали деб билган нарсасидан ёки кишисидан воз кечмоқ. Варианти: **баҳр(и)дан кечмоқ**» (30).

– Бобур тўпланиб турган бекларга *кўз ташлаган* эди (ЮТ, 46). Бу ибора бир бор қарамоқ маъносида кўлланган. ЎТФЛда **кўз ташламоқ** *ким нимага ёки кимга қисқа муддат қарамоқ*. Варианти: назар ташламоқ, нигоҳ ташламоқ (146).

– Ҳаммалари юзларига *фотиҳа тортишиди-ю*, бирин-кетин кўпrikка чиқишиди (ЮТ, 57). Гапда бу ибора duo қилмоқ маъносида келган. Ушбу ибора ЎТФЛда **фотиҳа бермоқ** тарзида изоҳланган (281).

– Айвонда турган Кутлуғ Нигор хоним билан Хонзода бегим ҳам меъморга *кўз тикишиди* (ЮТ, 76). Ушбу ибора узоқ муддат қарамоқ мазмунини англатган. ЎТФЛда **кўз тикмоқ** *кимга ёки нимага ёки қаерга тикилиб қарамоқ* дея шарҳланган. Варианти: **кўз(и)ни тикмоқ** (146).

## 2. Ҳолатни билдирувчи фраземалар:

– Улуснинг *шўри қурсин!* – деди Тоҳир (ЮТ, 6). Гапда ушбу фразема халқнинг аҳволи оғир бўлганини ифодалаган. ЎТФЛда: **шўри қуриди** *кимнинг* катта бахтсизликка йўлиқмоқ, хароб бўлмоқ. Синоними: *шўр(и)га шўрва тўкилди* (298).

– Тоҳир ёмон бир фалокатни сайдиндан сезгандай *юраги уевшиди* (ЮТ, 7). Сикилиш, хавотирланиш маъноларини бил-

<sup>22</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Ташкент, 1992. – Б.353 (Бундан кейин ушбу луғат номи ЎТФЛ тарзида қисқартирилиб, саҳифаси қавсда кўрсатилади).

дирувчи ушбу фразема ЎТФЛда мана бундай изоҳланган: **юраги(и) увшди** кимнинг салбий ўй-хаёл таъсирида ўзини руҳан ёмон ҳис қилмоқ. Варианти: кўнгл(и) увшди (320).

– Бу йилги рўза ёз чилласига тўғри келган, жазирама кунларда тонг-саҳардан кечқурун қоронги тушгунча туз тотмай оч юриш кўп одамнинг силласини қуритарди (ЮТ, 8). Дармонсизланиш маъносида келган бу фразема ЎТФЛда: **силла-си) қуриди** кимнинг толиқмоқ, дармонсизланмоқ. Синоними: тинкаси қуриди (234).

– Арава лойларга тиқилавериб жонимиздан тўйидирди (ЮТ, 9). Ушбу ибора безор бўлмоқ маъносида келган. ЎТФЛда: **жони(и)дан тўймоқ** ким (ўзининг) яшашни истамаслик (97 – 98).

– Шам ёргугида аралаш-қуралаш бўлиб кетган, баъзи жойлари йиртилган лойиҳалар ва чизмалар **кўзга ташланди** (ЮТ, 12). Фразема гапда аниқ кўринмоқ маъносида келган. ЎТФЛда: **кўзга ташланмоқ** нима рўй-рост, аниқ кўринмоқ (133 – 134).

– Изтиробли ўйлар туни билан мулла Фазлиддиннинг кўзига уйқу қўйнодирмади (ЮТ, 13). Яъни ухлай олмади маъносида келган. ЎТФЛда бу ибора берилмаган.

– Мулла Фазлиддиннинг **юраги така-пука бўлиб кетди** (ЮТ, 14). Ушбу фразема гапда кўрқиб кетди маъносида ишлатилган, ЎТФЛда: **юраги така-пука бўлмоқ** ким кимнинг нима билан руҳан нотинч бўлмоқ (319).

– Булар менинг қонимга шунчалик ташнами? (ЮТ, 16) Ушбу ибора ўч бўлиш мазмунини ифодалаган. ЎТФЛда: **қонига ташна бўлмоқ** нима кимни (ўзининг) хуноблиқдан, дилтантлигидан ўта даражада бетоқат бўлмоқ (350).

– Агар ўша бек сандиқдаги суратларни қўлга туширса, Ахсига элтиб, подшоҳ оиласига кўрсатмоқчи бўлганми? – деган ўй мулла Фазлиддиннинг ичини музлатиб ўтди (ЮТ, 16). Хавотирга солмоқ маъносида кўлланган бу ибора ЎТФЛда учрамайди.

– Ана шу ишонгандаридан аллақайсиси айгоқчилик қилиб бу гапни доруғага етказганини, энди доруға буни подшоҳга дастурхон қилиб олиб бориши мумкинлигини сезди-ю, баданидан соевуқ *тер* чиқиб кетди (ЮТ, 17). Матнда кўрқиб кетмоқ мазмунида келган бу фразема ЎТФЛда қуидагича изоҳланган: **нима кимнинг руҳиятида жуда кескин ўзгариш содир бўлди** – руҳиятини жуда кескин ўзгартирди. Варианти: аъзойи

бадан(и)дан тер чиқиб кетди; бадан(и)дан тер чиқиб кетди; пешана(си)дан совуқ тер чиқди; тер чиқиб кетди (235).

– Лекин у отланиб уйига қайтайдан сал ҳөвүридан *тушиди-ю*, Узун Ҳасан айтган сүнгти гапларда аччиқ бир ҳақиқат борлигини сезди (ЮТ, 18). Ушбу ибора жаҳдан тушиш маъносида келган. ЎТФЛда: **жовур(и)дан тушмоқ ким кимни** (*ўзининг*) кибр-ҳаво билан, ҳаяжонланиб қаҳр-ғазаб қилиши пасайди (375).

– Агар сурат кўлга тушса, у қиз ҳам маломатга қолади (ЮТ, 18). Бу ибора таъна-дашномга қолмоқ мазмунини ифодаган. ЎТФЛда: **маломатга қолмоқ** ким ёки нима арзимаган нарса сабабли нохуш, таънали гаплар эшитмоқ, гап-сўз бўлмоқ (169 – 170).

– Маҳмудни ҳам бирдан **ғам босди** (ЮТ, 20). Мусибатга чалинмоқ маъносидаги бу фразема ЎТФЛда: **ғам босди** кимни кучли ўй-ташвиш остида қолмоқ (369).

– Қоракўз бегим энди **енгил тортди** ва дадилланиб таъзим қилди (ЮТ, 24). Ташвишдан кутулмоқ мазмунидаги бу ибора ЎТФЛда: **енгил тортмоқ** ким руҳий азобланиш тарқади. Варианти: қушдай енгил тортмоқ (81).

– Умаршайх мирзо бугунги режалари ва уруш ташвишларини эслаб **қовогини солди-да**, индамай ўрнидан турди (ЮТ, 24). Кайфияти бузилмоқ маъносидаги ушбу фразема ЎТФЛда: **кимнинг ранжиганини**, хафа бўлганини қовоқдарини қуийроққа тушириб билдиromoқ. Варианти: қовоқ солмоқ (349).

– Мўйсафидлар **«тўрт мучанг бутун бўлсин»** деб дуо қулурлар (ЮТ, 25). Соғ-саломат бўлсин мазмунидаги бу ибора ЎТФЛда келтирилмаган.

– Энди ўттиз тўққиз ёшга кирган ва қирчиллама йигит ёшини яшаётган Мирзонинг ўз ўлими ҳақидаги сўзларидан ҳарам аҳли оғир жимликка چўмди (ЮТ, 26). Тушкунликка тушмоқ маъносидаги ушбу фразема ЎТФЛда изоҳланмаган.

– Агар мен бу фоний дунёдан кўз юмсан, ҳаммангиз Бобур мирзонинг амрини ҳозир менинг амрим каби бажо келтиргайсиз (ЮТ, 26). Матнда вафот этмоқ маъносида келган бу ибора ЎТФЛда шарҳданмаган.

– Айтганинг келсин, қизим! – деб Умаршайх мирзо **енгил бир сўлиши олди** (ЮТ, 26). Умидланмоқ маъносини ифодаловчи бу фразема ЎТФЛда изоҳланмаган.

– Мирзо қулаб кетган жар этагига етиб боргунларича, сўнг уюлиб ётган тупроқ, кесак ва ёғочлар орасидан уни топиб, кавлаб олгунларича ўн жонидан бири ҳам қолмаган эди (ЮТ, 30). Ўлар ҳолга келмоқ мазмунидаги бу ибора ЎТФЛда учрамайди.

– Аҳмад Танбал Умаршайх мирзида 2-даражали беклар қаторида шунча йил кўнгли чўкиб юрди (ЮТ, 31). Руҳсияланиш кайфиятини ифодаловчи ушбу фразема ЎТФЛда: **ким** (ўзининг) ёки **кимнинг** руҳсизланмоқ. Варианти: **кўнгилни** чўктируммоқ (162).

– Нўён Кўкалдош ёрдамга етиб келганда Бобур ўзини **ўнглаб** оёқда **турар**, бироқ ранги жуда оқариб кетган эди (ЮТ, 33). Тузалмоқ мазмунини ифодаловчи бу ибора ЎТФЛда **берилман**ган.

– Шундай пайтда Кўкалдош ва тенгдошлар **ўзларини таҳт** ворисига хизмат қилиб юрган ёш мулоғимлар деб эмас, унинг сирларига шерик бўлган яқин дўстлар деб билишар **ви бундан** **кўнгиллари ўсиб**, Бобурга меҳрлари ошар эди (ЮТ, 35). Руҳияти кўтарилмоқ маъносидаги ушбу фразема ЎТФЛда: **кимни нимадан** руҳданмоқ. Варианти: **кўнгил ўсиши** (163).

– Кўшкдан чиқиб келган савдар Бобур қаршисида **қўловуштириб**, ичкарида мударрис уни кутиб ўтирганини **айтиди** (ЮТ, 35). Хурмат билдириш мазмунидаги бу ибора ЎТФЛда: **ким кимга кўлларини тирсакдан эгиб, устма-уст қоринга кўниб** ҳурмат ифодаламоқ (368).

– Ёд бўлиб қолган бу сатрлар **хаёлидан ўтаётганда** Бобур дафтари орасига солинган суратни мударрисга **кўрсатмасликка** уриниб секин олди (ЮТ, 36). Матнда эслаш, хотирлаш **маъносида** келган ушбу фразема ЎТФЛда: **ким нимани маълум** бир муддат фикрламоқ. Варианти: **хаёлдан ўтказмоқ**. Синоними: **кўнгл(и)дан ўтмоқ** (283).

– Мударриснинг энди сал **чехраси очилди** (ЮТ, 37). Кайфияти яхшиланмоқ мазмунидаги бу ибора ЎТФЛда: **чехра(си)** **очилди** **кимнинг** хафачилигининг тарқалганини **кўрсатмоқ** – хафачилиги тарқади. Варианти: **чехра(си)нинг очилиб кетиши** (292).

– Тупроғи билқиллаб ётган тор кўчадан ўтаётганлирида **Боубурни тер босди** (ЮТ, 44). Чарчаш, ҳориш маъносидаги бу ибора ЎТФЛда келтирилмаган.

– Бобур отдан тушиб устози билан кўришар экан, бирдан кўнгли юмшаб, кўзларига ёш қуюлиб келди (ЮТ, 46). Таъсирланиши мазмунидаги ушбу фразема ЎТФЛда: **ким кимнинг раҳмдиллиги уйғонди** (163).

– Шу сабабли беклар Дарвеш говни ёмон кўришар, айниқса, доруга Узун Ҳасан қўпдан бери унга **кеқ сақлаб юрарди** (ЮТ, 49). Матнда ёвлашмоқ маъносида келган бу ибора ЎТФЛда: **кеқ сақдамоқ**, ким ёмонлик кўргани, дили оғригани сабабли гинахон бўлиб юрмоқ (127).

– Сиз билан уруш бошлаган инингиз Умаршайх мирзо жардан ийқилиб шунҳор бўлди (ЮТ, 53). Мардларча ҳалок бўлмоқ, мазмунини ифодаловчи ушбу фразема ЎТФЛда изоҳланмаган.

– Беш йигит муваффақиятсизликка учрагандан *руҳлари тушиб*, уйларига тарқаганларида тонг ёриша бошлаган эди (ЮТ, 59). Умидсизланмоқ маъносини билдирувчи бу ибора ЎТФЛда: **руҳ(и) тушди** ким (ўзининг) руҳий тушкунликка берилмоқ. Варианти: руҳни туширмоқ (228 – 229).

– Ҳозир беҳисоб туёқдар остида қолиб янчилишини сезди-ю, дод солиб қичқирди (ЮТ, 60). Матнда дод-вой солиш маъносида келган бу ибора ЎТФЛда: **дод солмоқ** ким дод-вой қилмоқ, қичқирмоқ. Варианти: дод устига дод солмоқ (175).

– Агар шундай бўлса, менинг бошимни сен **кўкка етказдинг!** (ЮТ, 63) Хурсанд қилмоқ мазмунидаги ушбу фразема ЎТФЛда: **бош(и) кўкка етди** кимнинг беҳад севинмоқ. Варианти: бош(и) осмонга етди (47).

– Лекин қаллиқлик одоби бунга **йўл бермас**, Тоҳир Робия билан фақат яшириқча учрашар эди (ЮТ, 64). Монелик қилиш маъносидаги бу ибора ЎТФЛда: **йўл бермоқ** – ким кимга ёки нимага ўзи четланиб, бошқанинг ўтишига имкон бермоқ (120).

– Тоҳир шу вақтгача *тишини-тишига* қўйиб уйларида бўлаётган талон-торожга чидаб ўтирган эди (ЮТ, 66). Аранг чидамоқ мазмунини ифодаловчи ушбу фразема ЎТФЛда: **тиш(и)-ни тишига қўймоқ** ким бутун ҳис-туйфусини ирода кучи билан енгиб чидамоқ (263).

– Ҳозир подшоҳ ва унинг бекларига дуч келиши кераклиги, улар билан муомала қилишнинг қийинлиги қалбига *таҳлика солади* (ЮТ, 69). Матнда хавотирга тушмоч, маъносида келган бу ибора ЎТФЛда: **таҳликага солмоқ** ким нимани таҳлика қилишига сабаб бўлмоқ; таҳликали ҳолатга қўймоқ (252).

– Күнглидаги бояги безовталик устига оловли бир ҳаяжон қўшилиб, **юраги қинидан чиққудай ҳаприқиб** кетди (ЮТ, 70). Қаттиқ ҳаяжонланмоқ маъносидаги бу ибора ЎТФЛда: **юраги қинидан чиқа ёзди** кимнинг бетоқат бўлмоқ (321).

– Ҳар битта фиштни, ёғочни, ҳар бир кўза сувни пастдан олиб чиққунларича **тинкалари қўриб кетарди** (ЮТ, 71). Чарчамоқ, ҳоримоқ мазмунидаги ушбу фразема ЎТФЛда: **тинка(си) қўриди** кимнинг толиқмоқ, дармонсизланмоқ. Варианти: тинкани қуритмоқ (261 – 262).

– Подшоҳ оиласидан меъморчилик санъатини шунчалик биладиган, қадрлайдиган иттифоқдош топилгани мулла Фазлиддиннинг **кўнглини кўтарибгина қолмай**, қалбида ғалати бир завқ ва дадиллик уйғотди (ЮТ, 72). Руҳини ўстирмоқ маъносидаги бу ибора ЎТФЛда: **кўнга(и)ни кўтармоқ** кимнинг **нимадан** руҳланмоқ. Варианти: кўнгил кўтарувчи (157).

– Фазлиддин ўзининг мана шу эътиқодида маҳкам туришга тиришар ва аёллар томондан **нигоҳини олиб қочарди** (ЮТ, 73). Матнда қарамасликка интилмоқ мазмунида келган ушбу фразема ЎТФЛда учрамайди.

Бобур подшоҳ бўлгандан бери ўз **кўнглидан чиқариб қурдирган** биринчи иморати жуда кичик бўлса ҳам, унга азиз ва ганимат туюлди (ЮТ, 76). Матнда астойдил, чин кўнгилдан маъноларида келган бу ибора ЎТФЛда: **кўнга(и)дай чиқармоқ** ким нимани ёки кимни бутқул унугиб юбормоқ, ўйламай, эсламай қўймоқ. Варианти: кўнглидан чиқармоқ (155).

### **3. Белги билдирувчи фраземалар:**

– **Ваҳимага тушган** кўшин бирдан ўзини орқага ташлади (ЮТ, 60). Таҳдикага тушмоқ мазмунидаги бу фразема ЎТФЛда: **ваҳимага тушмоқ** ким кўрқсан ҳолда ўйланиб қолмоқ (60).

### **4. Фаолият-жараённи билдирувчи фраземалар:**

– Тоҳир Робия билан ҳадемай бир ёстиққа бош қўйишларига ишониб бехавотир юрган эди (ЮТ, 6). Висолга эришмоқ маъносидаги бу ибора ЎТФЛда: **бир ёстиққа бош қўймоқ** кимлар ўзаро; ким ким билан оилавий ҳаёт кечирмоқ. Синоними: турмуш қурмоқ (36).

– Тангрим бизни **бир-бираимизга кўп кўрмасин** (ЮТ, 8). Айирмасин, ҳижронни раво кўрмасин мазмунидаги ушбу фразема ЎТФЛда изоҳданмаган.

– Яна тагин гўзал малика билан яшириқча **тил бириктириб**

сурат чизгани қизнинг подшоҳ отасига маълум бўлса борми, мулла Фазлиддинни тилка-пора қилиб ташлашлари ҳеч гап эмас (ЮТ, 13). Матнда иттифоқлашиб, келишиб маъносини ифодалаган бу ибора ЎТФЛда: **тил биринкирмоқ** ким ким билан яширин ҳолда келишиб олмоқ (255).

– Подшомиз эрта-индин келиб жонимизга ора киргай (ЮТ, 21). Қўллаб-қувватламоқ мазмунидаги ушбу фразема ЎТФЛда: **жон(и)га ора кирмоқ** кимнинг ким бир ўлимдан қутқарив қолмоқ. Варианти: жонга ора кирмоқ (97).

– Қизим, сен менинг энг бебаҳо гавҳарларимдансан. Бу хатарли аснода сени қанотим остидан чиқармагаймен! (ЮТ, 27) Паноҳ бўлмоқ маъносидаги бу ибора ЎТФЛда: **қанот(и) остидан** кимнинг паноҳидан, ҳимоясидан, қарамидан (344).

– Агар Аҳмад Танбал Андижондаги содик бекларнинг бошини қовуштириб Бобурни четлатса-ю, тахтга Жаҳонгир мирзони ўтқазса, марра уники (ЮТ, 31). Бирлаштиromoқ мазмунидаги ушбу фразема ЎТФЛда: **бош(лари)ни қовуштиromoқ** кимлар ўзларининг келин-куёв қилмоқ. Варианти: бош(лари)ни биринкирмоқ (51).

– Мушкул ишга бел боғлабсиз (ЮТ, 41). Матнда киришмоқ мазмунида келган. ЎТФЛда бу ибора: **бел боғламоқ** ким нимага шайланмоқ, отланмоқ. Варианти: бел(и)ни боғламоқ (31).

– Яна бир неча киши Бобурга юзланиб кўнгил сўради (ЮТ, 47). Ҳол-аҳвол сўрамоқ мазмунидаги ушбу фразема ЎТФЛда: **кўнгл(и)ни сўрамоқ** ким кимнинг бошига хафачилик, мусибат тушган кишига ҳамдардлик билдириб ҳол-аҳволини сўрамоқ. Варианти: кўнгил сўрамоқ (158).

– Қачондир бир вақт тахтга чиқиш ва шу юрган ҳамма бекларга бош бўйлиб ғолибона жанглар қилиш Бобурнинг энг кучли орзуладидан эди (ЮТ, 48). Раҳнамолик қилмоқ мазмунидаги бу ибора ЎТФЛда берилмаган.

– *Нияти бузуклиги шундан ҳам аён!* – деди Узун Ҳасан (ЮТ, 51). Ёмонликни режалаштиromoқ маъносини ифодалаб келган ушбу фразема ЎТФЛда келтирилмаган.

##### **5. Нутқ-жараённи билдирувчи фраземалар:**

– «Отлан!», «Сафлан!» – деб бақириб-чақирганлари **қулогимга чалинди** (ЮТ, 59). Матнда эшитилмоқ маъносини англаатган бу ибора ЎТФЛда: **қулогига чалинмоқ** нима кимнинг бирор гапни ноаниқ тарзда эшитмоқ (355).

– Шунда Қутлуғ Нигор хоним *gap қўшиди* (ЮТ, 75). Фикр билдиromoқ мазмунидаги ушбу фразема ЎТФЛда учрамайди.

Хуоса қилиб айтганда, «Юлдузли тунлар» романида фраземаларнинг деярли барча турларидан маҳорат билан фойдаланилган. Асарда ҳолатни билдирувчи фраземалар энг кўп кўлланган бўлса, энг ками белги билдирувчи фраземалардир. Романдаги 60 та фраземанинг семантик таҳдили шулардан 15 таси ЎТФЛда учрамаслигини кўрсатди. Бу ҳол адабнинг янги фраземалар ижод қилганини кўрсатиб, она тилимизнинг яширин имкониятларини ёрқин намоён эта олганидан дарак беради. Фраземалар асарнинг лисоний ва бадийй-эстетик қимматини юксалтириб, романнинг ўқишли, қизиқарли бўлишини таъминлаган; ифоданинг таъсир кучини оширган.

## ТАНҚИД, ҚИЁС ВА ТАҲДИЛ

### БЕҲБУДИЙНИНГ ТАНҚИД ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Замонавий ўзбек танқидчилигига миллый уйғониш даври на-  
мояндалари томонидан асос солинди. Абдурауф Фитратнинг  
ўзбек мумтоз ва миллый уйғониш адабиётига оид тадқиқотла-  
ри, Чўлпоннинг машҳур «Адабиёт надир?», Абдулла Авлоний-  
нинг «Саноёй нафиса», Абдураҳмон Саъдийнинг «Гўзал санъат  
дунёсида» мақолалари, Вадуд Маҳмуднинг адабий танқидга оид  
асарлари ана шу мақсадгага хизмат қилди. Мазкур муаллифлар-  
нинг фаолияти адабий танқид ривожига самараали таъсир  
кўрсатганини эътироф этган ҳолда таъкидлаш зарурки, Маҳ-  
мудхўжа Беҳбудийнинг бу борадаги ишлари алоҳида эътибор-  
га моликдир. Зоро, ўзбек миллый уйғониш даври адабиётининг  
назарий асосларини ишлаб чиққан олим Бегали Қосимов Маҳ-  
мудхўжа Беҳбудийнинг ҳам сиёсий-ижтимоий, ҳам адабий-маъ-  
рифий соҳада Туркистон жадидларининг тан олинган карвон-  
бошиси эканини таъкидлаганди.<sup>23</sup> Профессор Наим Каримов  
эса унинг: «...маориф тизимининг ислоҳ этилиши ва вақтли мат-  
буотнинг ташкил топишидаги хизматлари билангина эмас, бал-  
ки нутқдари ва матбуот орқали баён қилган ғоялари билан ҳам  
янги жамиятнинг, яъни ижтимоий ҳаётнинг шаклланишига  
улкан ҳисса қўшган»<sup>24</sup> мутафаккир экани ҳақида ёзади.

Адабий танқидга таъриф бериш эҳтиёжи сезилса, адабиёт-  
шунос олимлару мунаққидлар бугунги кунда ҳам Беҳбудий-  
нинг «Танқид – сараламоқдир» деган иборасини такрор ва так-  
рор тилга оладилар. Негаки бу таърифда адабий танқиднинг  
нафақат вазифаси, балки асл моҳияти теран ифодаланган. Улуғ  
мутафаккирнинг шу номдаги мақоласида эса, таъбир жоиз  
бўлса, адабий танқиднинг барча замонларда ҳам аҳамиятини  
йўқотмайдиган йўл-йўриги кўрсатиб берилган. Бошқача айт-

<sup>23</sup> Қосимов Б. Миллый уйғониш: маърифат, жасорат, фидойилик.  
– Тошкент: Маънавият, 2002.

<sup>24</sup> Каримов Н. Маҳмудхўжа Беҳбудий // XX аср адабиёти  
манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.38.

гандада, бу мақолада адабий танқиднинг методологияси пухта ва аниқ ишлаб чиқилган.

«Саррофлар ақчани, тужжорлар матони саралаганидек, – деб ёзди муаллиф, – муҳаррирлар ҳам умумий ҳол ва майшатқа тааллуқ нимарсаларни саралайдурки, бошқа сўз ила «танқид» аталур. Масалан, янги мактаб ва муаллимлари ва анда ўқулатургон китобларни маънан тафтиш этиб, андаги нуқсонларни баён этмоқ танқиддур». <sup>25</sup>

Муаллиф, биринчи навбатда, танқиднинг жамиятда тутган мавқеи, унга муносабат қандай бўлиши қераклиги масаласига диққат қаратади. Унинг фикрича, танқид нуқсонларга муносабат билдиримоқдир. «Таарруз ва душманлик эмас. Агар шахсиятга тўқунмаса. Аммо бир муаллим ё мударрис ва муҳаррирни(нг) ишидан, шахсиятидан халойикқа зарар келса, андан ҳам баҳс ва танқид ёзмоқ шахсий бўлмайдур».

Демак, Беҳбудийнинг нуқтаи назари бўйича, жамиятга, халойикқа зарар келтириши мумкин бўлган ҳар қандай иш, ким томонидан содир этилишидан қатъи назар, танқид қилиниши зарур. Муаллиф фақат адабий танқид ҳақидағина эмас, танқиднинг барча йўналишлари бўйича қамровли мулоҳаза юритади. Унинг фикрича, танқиддан мақсад ислоҳ, яъни муайян хато ва нуқсонни тузатмоқдир. Шу боис уни тўғри қабул қилиш зарур ва бу миллатнинг маданий даражасини кўрсатувчи муҳим омил саналади. Лекин муаллиф бизнинг халқимизда танқидга тўғри муносабат шаклланмаганидан афсусланади. Мана, бу ҳақда у нималарни ёзган: «Бизни(нг) Туркистонда янги мактаблар хейли бордур. Янги рисола хейли босилиб турубдур. Жаридаларга мақола ва шеърлар ўқулуб турубдур. Аммо ҳануз танқид даврига етишганимиз йўқ. Иттифоқо, танқид шаклинда бир нимарса ёзилса, бизларга қаттиқ тегар. Ёзганларимизни(нг) бузуқлиги ва фикримизни(нг) хатолиги, ишимизни(нг) ноқислигини бирор киши қўрсатса, аччигимиз келур. Ва ул одамни душман кўруб, шахсидан нафрат ва фикрига норозилик баён

<sup>25</sup> Беҳбудий М. Танқид – сараламоқдир // Танланган асарлар. Тузатилган ва тўлдирилган 2-нашри / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Қосимов. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б.172 – 173 (Мақоладан келтирилган бундан кейинги иқтибослар ҳам ушбу манбадан олинган).

этурмизки, бул бизни(нг) янгидан ишға бошлаганимиздан, бошиңа тил или ноқислигимиздантур».

Табиийки, ноқислик фазилат эмас. Уни англаб етмаслик ёки нүксни тузатишга интилмаслик эса айни жаҳолатдир. Беҳбудийнинг ёзишича, миллат тараққийга эришмоги, унинг маданий даражаси юксалмори учун танқидни тўғри қабул қилиш, нүксонлардан тўғри хулоса чиқариш зарур. Бундай муносабатнинг шаклланмагани эса таассуфга лойиқдир. Бу ҳолни тезлик билан ислоҳ этиш керак. «Биз эскиларни айблаймизки, – деб ёзди у, – аларга ислоҳдан сўзласак, чидай олмайдурлар. Аммо ўзимизнинг мактаб, рисола, таҳрир ва маслакимизни бир киши танқид этдими, чидай олмаймиз, дикқат ила мунаққид сўзини тингламаймиз. Мунаққид бизни(нг) тўғримизга минг сўз ила баёни муддао этар экан, биз они(нг) ичиндан ўн сўзини номаъқул топиб, юзига урармиз. Ва ёинки важҳсиз онинг сўзини радду ўзига эътироz этармиз. Агарда ул десаки, ман сизға бир минг калима насиҳат ё танқид сўйладим, дуруст, ўн калимаси сизға бежо эканки, қайтиб олдим, тўқсон тўққиз калимасига не дерсиз? На жавоб берармиз?»

Муаллиф аксар ватандошларининг танқидий фикрни тинглаш, бу ҳақда чуқур мулоҳаза юритиш даражасига эриша олмаганини таассуф билан қайд этади. Кавказлик сайд ёх Муҳаммад Сайид афандининг Туркистон мактаблари тўғрисида танқидий қарашлари ифодаланган мақолосига асоссиз эътироz билдирилганини бунга мисол қилиб кўрсатади. «Ойна» журналининг 27-, 28-, 29-, 30-сонларида босилган танқидий руҳдаги чиқишига жавобан «Садои Туркистон» газетасида мазкур муаллифга ва таҳририятга норозилик изҳор этилганини «ҳануз танқидга лойиқ бўла олмаганимиз»га далил сифатида келтиради. Беҳбудий бундан қуйидагича хулоса чиқаради: «...биз ҳануз танқидга лаёқат пайдо этганимиз йўқ. Яна қадима касалларимиздан – «норизо», «хотири қолмасину...» иллатлари ҳануз кетгани йўқ... Мундай кетаберса, қиёматдан минг йил сўнгра-да Туркистонга тараққий йўқ. Агарда «хотир қолмасун» қоидаси маслак тутилса, матбуотдан қалам тортмоқ керак». Ўтган аср аввалида айтилган бу фикрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини заррача бўлсин йўқотган эмас. Муҳттарум Юртбошимизнинг: «...оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги принципла-

рини амалда таъминлашга эришиш, **матбуотда танқид руҳини кучайтириш** биз учун энг мухим мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда<sup>26</sup>, – деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Беҳбудийнинг «Теётр надур?» мақоласи<sup>27</sup> унинг адабий-эстетик қарашларини анча тўлақонли ифода этгани билан алоҳида ажralиб туради. Ушбу саволни қўяркан, муаллиф: «...теётр ибратномадур, теётр ваъзхонадур, теётр таъзира адабийдур», – дея жавоб беради. Театр хусусида турлича баҳслар кетаётган, янгиликни қабул қилишни истамайдиганлар театрга қаршилик кўрсатаётган бир кезда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бу мақоласи одамларга чақмоқдек таъсир қилди. Уларни тафаккурга, ақд кўзини очишга ундади.

Аввало, театрнинг ижтимоий, адабий-эстетик вазифаси хусусида сўз очган муаллиф унинг «ваъз ва танбеҳ этувчи ҳамда зарарлик одат, урф ва таомилни қабиҳ ва зарарини аниқ кўрсатувчи» санъат тури эканини таъкидлайди. «Ҳеч кимни риоя қилмасдан тўғри сўйлагувчи ва очиқ ҳақиқатни билдирувчи» эканига ургу беради. Тараққий қилган миллатлар театрни улуғлар учун адаб ва ибрат мактаби деб аташига дикқат қаратади. Миллатимизнинг ана шу даражага – ўз-ўзини танқид этиб хатоларини ўнглаш, бу орқали тараққиётда оддга интилишини орзу қиласди.

Беҳбудий театрни яхши ва ёмон одатларни саралайдиган мунаққид дея баҳолайди. Санъатнинг бу тури, муаллиф фикрича, алоҳида таъсир қувватига эга. Унинг ёзишича: «Ҳар ким мундан таъсирланиб, ямон одатларни тарқ этиб, яхшиликни зиёда ишламоқға сабаб бўлур». Бу орқали театрнинг нафақат маданий, адабий-эстетик, балки ижтимоий аҳамиятга молик ҳодиса экани хусусида сўз юритади.

Ўзбек танқидчилари орасида биринчилардан бўлиб муаллиф драматик асарларнинг илмий таснифи ҳақида сўз юритади: «Теётрхона саҳналаринда қўюлатургон асарлар фожеа, яъни

<sup>26</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.147.

<sup>27</sup> Беҳбудий Маҳмудхўжа. Теётр надур? // Танланган асарлар. Тузатилган ва тўлдирилган 2-нашри. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б.174 – 176 (Мақоладан келтирилган бундан кейинги иқтибослар ҳам ушбу маънбадан олинган).

қайгулик, мазҳака, яъни кулгу, драма, яъни ҳангомалик бир воқеа ва ҳодисани тасвир этиб, ҳалойиқға кўрсатилур». Драматик турнинг уч жанри: 1) фожеа (трагедия); 2) мазҳака (комедия); 3) драма ҳақида сўз юритаркан, Беҳбудий улардан ҳар бирининг хос хусусиятлари, бирини бошқасидан ажратиб турувчи белгиларига алоҳида эътибор қаратади.

Муаллиф театрнинг ҳикоят ёки насиҳат китобларидан фарқи хусусида тўхталааркан, санъатнинг мазкур турига мана бундай баҳо беради: «...максус бир ҳодиса ва ё воқеа ва ҳикоятни феълан қилиб кўрсатиладурки, мунинг таъсири эшиткандан зиёдадур». Драма назариётчиларининг унда етакчи унсур ҳаракат экани ҳақидаги фикрларига диққат қаратилса, Беҳбудийнинг бундан юз йил аввал бу жанрга хос ана шу хусусиятини теран англагани ҳайрат ва эътирофга лойиқдир.

Мазкур мақола сўнгиди Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз қаламига мансуб «Падаркуш» драмасининг саҳнага қўйилгани, ундан келган даромаднинг мактабларга сарфлангани хусусида маълумот беради. У ўз асарини «танқид этиб бузуқ ерини матбуот ила баён этсалар, токи боиси ислоҳ бўлинса» тарзидаги фикрларни билдиради. ««Падаркуш»га «...кулдургучи ва ҳам йиглатгучи носиҳ (насиҳат асосига қурилган – О.А.) ва нофеъ (фойдали) асардур» дея баҳо берган ватандошларига миннатдорлик билдириш баробарида асарнинг «қабиҳини ёзғон кишига зиёдароқ ташаккур айтмоққа мадюн» эканини таъкидлади. Шунинг ўзиёқ Беҳбудийнинг ўзи билдирган назарий фикрларга ҳаётда қатъий амал қилганини, миллат манфаатини ўз шахсий қизиқишларидан устун кўя олган улуғ сиймо бўлганини яна бир карра тасдиқлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг иирик намояндаси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг танқид ҳақидаги қарашлари ўша замонда қанчалик аҳамиятли бўлган эса, бугунги кунда ҳам шунчалик қадрлидир. Мутафаккирнинг танқидга доир фикрлари, биринчидан, замонавий ўзбек адабий ва театр танқидчилигининг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутди. Иккинчидан, танқидчиликнинг методологик асослари ишлаб чиқилишига замин тайёрлади. Учинчидан, бугунги ёш авлоднинг адабий-эстетик ва танқидий дунёқарашини ўстириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

## БАДИИЯТНИНГ ИККИ БҮЮК ОВИДАСИ

Дунё адабиётида шундай ҳодисалар бўладики, **баъзан бошқа-бошқа** миллатларга мансуб буюк ижодкорлар **бир-биридан** бехабар ҳолда ўзаро ўхшаш мавзуларда асарлар яратади. Энг қизиги, бунда мавзунинг ўзаро яқин экани ҳар икки асарниң оригиналлигига заррача бўлсин халақит беролмайди. Ҳеч бир жиҳатдан улар бир-бирини такрорламайди. Бунинг сабаблари, бизнингча, қуидагилардир: 1) ҳар бир ижодкор **услуби-нинг ўзига хослиги**; 2) мавзуга ёндашув мезонларининг фарқланиши; 3) поэтик тасвирдаги индивидуаллик. Ушбу адабий-эстетик ҳодисанинг яна бошқа тури – бир ижодкорниң иккичисидан таъсиrlаниши натижасида ҳам мутлақ мукаммал, оригинал асарлар дунёга келиши мумкин. Бундай асирларни қиёсий ўрганиш бадиий адабиёт сирларини, шунингдек, ижодкор руҳиятини англашда алоҳида аҳамиятга эга. Оврўпо Уйро-ниш даври адабиётининг асосчиси Данте Алигьерининг «Ило-ҳий комедия» ва ўзбек шоири Абдулла Ориповнинг «Жанинатга йўл» драматик достонлари худди шундай асарлар сирасига киради. Аммо бу икки асар аро умумий ва хусусий жиҳатларнинг майдонга келиш жараёнлари тамомила ўзгача қонуништлар маҳсулики, мақолада имкон қадар шу масалага дикқат қаратишга уринамиз.

Бу асарлар муаллифлари инсон руҳиятини қанчалик тераю очиб бергани мутахассисларга маълум. Улкан адилларнинг, улу шоирларнинг, катта истеъдод эгалари нигоҳининг нақадар ўткирлиги жамиятдаги ҳодисаларни бадиий асарга кўчирганда улар замиридаги яширин ҳақиқатларни қанчалик нозик ҳис этиши, бу воқеаларни синчилкаб таҳдил қила билипши, улардан бадиий умумлашмалар чиқара олиши билан ҳам белгили-нади. Бу икки асарни ўзаро қиёсий ўрганиш ана шу жиҳатдан ҳам зарур.

Қисқача мазкур асарларнинг ўрганилиш тарихи ҳақида. Профессор Нажмиддин Комилов «Тафаккур карвонлари» (Ташкент: Шарқ, 2011) китобида Ибн Сино ва Данте ҳақида тұхталиб ўтади. Данте ҳақида фикр юритаркан, олим: «У Шарқ ни Farb маданияти оқимини бирлаштирди, умумбаппарий меросни қабул қилиб, уни янги юксак бадиий чўққига олиб чиқди», – дея таъкидлайди.

Абдулла Орипов Данте Алигъерининг «Илоҳий комедия» (1975) асари «Дўзах» қисмини ўзбек тилига таржима қилди. Ушбу асарнинг ўзбек халқи маънавий мулкига айланишида ана шу таржиманинг ўрни бекиёс. Шоир «Дантенинг безовта руҳи» мақоласида (1983) улуғ италъян адиби ватанига саёҳати натижасида одам ҳамма жойда ҳам одам экани, шафқатсиз тузум, бойликка ҳирс, шуҳратпастлик ва қашшоқлик шундайлигича ҳам иллатлардан холи бўлмаган инсон руҳиятини вайрон қилиши, одам боласини ёвуз бўрига айлантириб кўйиши ҳақидаги холосаларини изҳор этаркан, Дантели ҳам худди шу каби ўйлар қийнаганини ёзади (Орипов А. Танланган асарлар. 4-том).

Акмал Сайдов «Данте – юрист» (Тошкент: Адолат, 2011) китобида ижодкорнинг ҳукуқий қарашларини таҳдил этиб берди. Изланишлари натижасида олим мана бундай тўхтамга келади: «Данте адабиёт тарихида маъдум ва машҳур, лекин мен Дантелинг бугун катта қизиқиш уйғотаётган ҳукуқ мавзуидаги трактат ва бошқа ишлари яхши ўрганилмагани боис, жаҳон юриспруденцияси кўп нарсани бой берганини айтмоқчиман».

Улуғбек Сайдовнинг «Шарқ ва Фарб: маданиятлар туташган манзиллар» (Тошкент: Янги аср авлоди, 2009) китобида Данте фалсафасида инсон талқини муаммосига эътибор қаратиласди. Китобда, жумладан, мазкур буюк шахс ҳаёти, шоир ижодида илоҳий тушунчалар талқини, аллома фалсафий-адабий меросининг аҳамияти ҳақида ҳам фикр юритилган.

Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» достони жуда чуқур ўрганилмаган бўлса-да, бу асар ҳақида ҳам бир неча мақолалар ёзилган, мулоҳазалар билдирилган. Узоқ Жўрақулов «Армон талқинлари» мақоласида достондаги йигитнинг висоли насиб бўлган жаннатмакон онаси ҳузурини армон билан тарк этиши хусусида ёзаркан, муҳим умумлашмалар чиқаради. Она ҳузурига қайтиш учун гуноҳлардан покланмоқ талаб этилиши, бунинг учун шоиргина эмас, жамият ҳам комил бўлиши зарурлиги, йигит армонининг сўнгизлиги сабаби шунда экани ҳақидаги олим холосалари, айниқса, аҳамиятлиdir.

Шоир Сирожиддин Саййиднинг «Ростани эйтсам, кўксимдаги дилим янги» мақоласида асар хусусида қуйидагича мулоҳаза билдирилади: «Бу достон воқеаларни диний ақидалар асо-

сига қуриши, ажойиб ғояларни тараннум этиши, таъсирили тимсоллар вужудга келтирилиши билан эътиборни тортади. Ўқувчи ва томошабинга охир-оқибатни ўйлатади».

Акрам Ҳамдамовнинг номзодлик диссертациясида (2011) шоир шеъриятида, жумладан, достонларида халқона поэтик тафаккурнинг ифода этилиш усуллари, ушбу муаммонинг бадиий талқини хусусида эътиборга молик фикрлар билдирилган.

«Абдулла Орипов ҳақида» (2011) номли мақоласида Дониёр Бегимқулов: «Шоирнинг бу драматик достони даврнинг бадиий-эстетик моҳияти тагзамини ижтимоий, ғоявий йўналишдан туриб пухта таҳдил этилганлиги, юксак бадиий пафоси билан ўзбек достончилигида муҳим ютуқ бўлди», – дея эътироф этади.

Бу сингари бир қанча тадқиқотлар, мақолалар эълон қилинган бўлишига қарамай, Данте Алигъерининг «Илоҳий комедия» ва Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» достонлари ўзбек адабиётшунослигига ҳанузгача тўлақонли ўрганилган эмас. Уларнинг қиёсий таҳдили эса мутлақо амалга оширилмаган. Шунинг учун ана шу икки улкан бадиий ҳодисани бир-бири билан қиёслаб ўрганишга жазм қилдик. Ёш бир ҳаваскорнинг бу йўлдаги изланишларида маромига етмаган фикрлар, айrim хатоликлар учраса, устоз адабиётшунослар айб санамаслар деб умид қиласиз.

Қисқача бу икки бадиий обиданинг яратилиш тарихи ҳақида. «Илоҳий комедия» Данте Алигъери изход этган асарларнинг бадиий ва ғоявий жиҳатдан энг юксаги ҳисобланади. Шоир бу асарини дастлаб «Комедия» деб атаган. Асар таржи-мони Абдулла Ориповнинг ёзишича: «...бу асар воқеалари кўринишдан «нариги дунё»да кечса ҳам, унинг марказида ҳақиқат ахтарган жафокаш инсон, иқболи нигун доҳий санъаткор образи турибди. Шунинг учун бўлса керак, бу асарни «Дантенома» деб ҳам аташади. «Илоҳий комедия» ёзилган даврларда комедия ҳозиргидек кулаги аралаш саҳна асарини эмас, балки, умуман, бадиий шаклни, хусусан, иирик шеърий лавҳаларни ҳам англатган. Кейинги асрлардагина Бокаччио уни қайта нашрга тайёрлаётib «Илоҳий комедия» деб атаган». Бундай номланишига сабаб асарнинг бадиий жиҳатдан мукаммаллиги; инсонни ҳаёт ва ўлим, яъни охират ҳақида фикр юритишга ун-

дашидир. Асар «Дўзах», «Аросат» ва «Жаннат» деб номланган уч қисмдан иборат. Ҳар бир қисм 33 та қўшиқдан ташкил топган. Биринчи қисмдаги дебоча билан умумий 100 қўшиқдан иборат. Унда муаллифнинг устози Вергилий кўмагида охиратга қилган саёҳати тасвирланади. Дантенинг бундай асар яратишига сабаб муҳаббати бўлмиш Беатриченинг барвақт ўлимидир. Бу йўқотищдан ү қаттиқ таъсиранади, шундан сўнг ҳаёт ва ўлим тўғрисида фалсафий фикр юрита бошлайди ва «Илоҳий комедия» асарини дунёга келтиради.

«Илоҳий комедия»даги сингари «Жаннатга йўл» достонида ҳам воқеа-ҳодисалар охиратда содир бўлади. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан суҳбатда «Илоҳий комедия» қачон таржима қилингани ва «Жаннатга йўл»нинг ёзилиш санаси билан қизиқдик. Устоз шоир бу ижодий жараён деярли бир вақтда содир бўлганини айтди. «Жаннатга йўл»ни ёзишда «Илоҳий комедия»дан таъсиранганимисиз? – деган саволга эса ижодкор: «Илоҳий комедия» шундай буюк асарки, ундан таъсиранмаслик мумкин эмас», – деб жавоб берди. Шунингдек, муаллиф «Жаннатга йўл»ни ёзишда муборак бир ҳадисдан таъсирангани ҳақида сўзлаб берди. Бу ҳадис мазмунига кўра, охиратдаги ҳисоб-китоб вақтида инсонга ота-онаси ҳам, бошқа қариндошлари ҳам ёрдам беролмаслиги, фақат ҳақиқий дўстгина унинг оғирини енгил қилиши мумкинлиги зикр этилган экан. Бундан «Жаннатга йўл»нинг асосий гояси ана шу муборак ҳадис таъсирида туғилгани маълум бўлади.

«Илоҳий комедия» Европа адабиётига хос ҳар бир банди уч мисралик анчайин мураккаб шеърий шакл – терцинада ижод қилинган. Абдулла Орипов эътирофича, «...терцинада уч қатор баравар келаверади. Лекин уч қатор баравар бўлгани билан, қоғиялар занжир бўлиб бир-бири билан боғданиб кетаверади. Шарқ мумтоз адабиётидаги аruz вазнининг бузилиши қанчалик сакта бўлса, бу ерда терцинанинг бузилиши ҳам шеърий жиноятга айланиб кетиши мумкин». Қуйидаги фикр эса таржимоннинг қанчалик заҳматли меҳнатни амалга оширганини ҳис этиш имконини беради: «Асарда агар бир сатрнинг иккинчиси билан қоғияси бузилса, шу иморат таг-туғи билан нураб кетади. Занжир узилади! Мен бу билан катта бир ишни бажардим деб айтишни хоҳламайман. Лекин воқеликка обьектив баҳо беришим керак».

Бадийят, биринчи навбатда, бекиёс рамз ва тимсоллар дунёси, оҳорли образлар олами демакдир. Ҳар икки асар рамз ва тимсолларга бой. Энг эътиборли томони, улар бу жиҳатдан ҳам бир-бирини зинҳор такрорламайди.

*Ердаги умримнинг ярмини юриб,  
Зулмат водийисида адашиб қолдим.  
Боқсан, бир ўрмонга кетибман кириб.*

«Илоҳий комедия» ана шу мисралар билан бошланади. Бу асарда бош образ – Дантенинг ўзи. Унинг ўрмонда адашиб қолишида Италиянинг ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳитига ишора бор. Умуман олганда, асарда ўрмон биз яшаб турган ҳаёт, яъни фоний дунё рамзи ўлароқ намоён бўлади. Данте ҳаётда шу қадар адашдимки, бундан кўра ажал ҳам яхши эди дейди:

*Даҳшатларга тўла ўрмон эди у,  
Эсдан чиқаролмай неча йил толдим,  
Хатто ажал ундан туюлгай эзгу.*

Баланд тоғдан тушиб келаркан, шоир олдидан қоплон, арслон ва қашқир чиқиб йўлини тўсади. Бу уч ҳайвон асарда нафс рамзи сифатида келган. Қоплон сохтакорлик ва сотқинлик тимсоли бўлса, арслон мағрурлик ва зўравонлик, қашқир эса очкўзлик ва такаббурлик рамзларидир.

Зулматда қолган Дантенинг қаршисидан устози Вергилий чиқади ва уни бу қоронгиликдан олиб чиқажагини, дўзах ва аросатдан олиб ўтажагини, жаннатга эса Беатриче орқали етишишини айтади.

Асарда Вергилий – йўлбошчи, пир тимсоли. У ўз шогирдини жаннатга эришиши учун зарур босқичлардан олиб ўтишини таъкидлайди. Beатриче эса илоҳий ишқ рамзи. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида Мажнун Лайлининг тимсолида Аллоҳнинг васлига интилади, бу йўлда турли босқичларни босиб ўтади. Шундан келиб чиқиб Дантенинг муҳаббатини ҳам икки томонлама изоҳлаш мумкин. Биринчиси мажозий ишқ бўлиб, Данте ҳаётда чиндан ҳам Beатричени севади ва унинг ўлимидан қаттиқ изтиробга тушади. Иккинчиси – илоҳий ишқ, у Beатриче тимсолида Аллоҳнинг васлини мушоҳада этади. Асардаги доиралар рамзи эса, бизнингча, ин-

сонларнинг дунё ҳаётида қилган ёмонликларига кўра жойлаштирилишини англатади. Яъни доиралар даражалар кетма-кетлигидир.

«Жаннатга йўл» достонидаги рамзлар ва тимсоллар, табиийки, ўзига хос; «Илоҳий комедия»дагига ўхшамайди. Асардаги тарозибон – инсонларни эзгуликка чорлаш тимсоли. Диний-маърифий манбаларда охиратда гуноху савоблар мезонга, яъни тарозига солиниши зикр этилади, бироқ айнан тарозибон ҳақида сўз юритилмайди. Бадий асар бўлгани учун ҳам «Жаннатга йўл»да бундай тимсолнинг қўлланиши ўринли. Асарда тарозибон ҳатто кимнинг жойи жаннатда, қай бириники дўзахда, яна қайсиси аросатда эканини ҳам эълон қиласди. Жумладан, ўзга одам тарозибонга титраб яқинлашаркан, унга нисбатан мана бундай ҳукм янграйди:

*Бу ёққа тур. Ислинг нима? Ҳожати ҳам йўқ.  
Тамга босиб қўйган экан сенга Оллоҳим:  
Сенинг жойинг аросатда. Кўнглинг бўлсин тўқ.*

Ўзга одам – умрини бесамар ўтказаётган, на ўзига, на жамиятга наф етказадиган кимсалар тимсоли. Табиийки, унинг қилимиши одамийдикка ёт. Асарда унга исм қўйилмагани сабаби ҳам шунда. Ўзга одам – ана шу номнинг ўзиёқ бу тоифадагилар устидан чиқарилган поэтик хуноси.

Хур қиз – вафосизлик тимсоли. У инсон нима учун яратилганини, аёл зотининг зиммасида қандай масъулият борлигини англамай ўтган. Она томонидан айтилган мана бу мисралар фикримизни тасдиқлайди:

*Ҳа, ҳур қизнинг у дунёси қорадир бутун,  
У қисматга бўй бермаган, қисмат бунга ёв.  
Бегонадан хуфя совға олгани учун  
Бўғиб кетган буни бир кун бўлажак күёв.*

«Бегонадан хуфя совға олиш» – унаштирилган қизнинг бундай қилимиши шарқона удумга хилоф иш. Шунинг учун асарнинг мазкур қаҳрамонига мана бундай баҳо берилади: «у дунёси қора».

«Илоҳий комедия» ва «Жаннатга йўл» асарларида рамз ва тимсоллар ўзига хос. Уларда ўхшаш жиҳатлар бўлмаса-да, ҳар бири ўзига хос чуқур маъно-мазмунга эга. Ҳар икки асардаги

бу рамз ва тимсоллар юксак бадииятни таъминлашга хизмат қилган.

«Илоҳий комедия» ва «Жаннатга йўл» асарларида айрим муштарак жиҳатлар ҳам бор. Авваламбор, ҳар иккаласида воқеа-ҳодисалар охиратда юз беради. Данте ўз дунёқарашидан келиб чиқиб буюк шахсларнинг дўзах, аросат ёки жаннатдаги ҳаётини тасвирлайди. У христианлик мезонларига таянган ҳолда шарқ мутафаккирларидан Ибн Сино, Ибн Рушд каби буюк сиймолар, яна Цезар, Афлотун, Суқрот, Демокрит, Гераклит, Гиппократ каби улуг шахсларни дўзахнинг биринчи доирасида, яъни христиан динига мансуб бўлмаган шахслар жойлаштириладиган доирада тасвирлайди.

Абдулла Орипов эса ўзга одамни аросатда, йигитни дўзахда, ота-онасини жаннатда тасвирлайди. Бунда у мезон сифатида Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифга таянади. Икки ижодкор ёндашувидаги бу тафовут, биринчи навбатда, уларнинг дунёқарashi, эътиқоди билан боғлиқ. Иккинчидан, Шарқ ва Фарб менталитети ҳам бунда ўз сўзини айтган дейиш мумкин.

Яна бир муштарак жиҳати иккала асарнинг ҳам бош ғояси инсон ва унинг моҳиятини англаш экани билан белгиланади. Улардан келиб чиқадиган ҳулоса: одам болалари умрини бехуда ишларга сарфламаслиги, дунё ва охиратини обод қилиш ҳақида қайфуриши зарур. «Жаннатга йўл» достонида ушбу муаммо талқини тамомила ўзига хос. Жумладан, асарда тасвирланишича, бир мўйсафид чол етти марта ҳажта борган, борйўғи бир мартағина отасини сансирагани учун унинг аслида савоб саналган бу амали қабул бўлмаган. Шоир бу орқали инсон ҳар қанча савоб ишларни бажармасин, ота-онасини хурмат қилиб, уларнинг розилигини топмаса, амаллари бехуда кетиши ҳақидаги машҳур ҳадис мазмунига ишора қиласди. Асадаги Ўзга одам қисмати аянчли: у на гуноҳ, на савобга кўл урган. Аросатга тушиши сабаби шунда. Зоро, одам болалари ўзга жонзорлардан ақду тафаккури билан ажralиб туради. Шу боис у азиз умрини имкон даражасида эзгу амалларга сарфлагни керак – бу образ замирига сингдирилган маъно, муаллифнинг бадиий нияти ана шу.

Жаннатга киришига икки пайса етмаган йигит образида ҳам ибратланиш зарур жиҳатлар талайгина. Жумладан, у бирорвга ёмонлик қилмаган бўлса ҳам, таъмагир, товламачи, те-

кинхўр инсонларни кўра билиб туриб уларни йўлдан қайтармаган. Бундай лоқайдлик, табиийки, жазосиз қолмаган. Инсон – яралмишлар афзали. Шу боис у умрнинг ҳар бир лаҳзасини эзгуликка сафарбар этиши зарур. Бу эса, ўз навбатида, уни икки дунёда азизу мукаррам этади – йигит қисматидан муаллиф чиқарган поэтик хулоса ана шундай.

Бир қария ётар эди менинг ёнимда,  
 Ўали унинг тепасига қўйди үлкан тоши.  
 Бироқ бир кун иблис кирди ўғил қонига,  
 Ўғил бир кун таъмасини айлаб қўйди фоши:  
 Қабр тошда ўзин исми ёзилмай қолмиси,  
 Санѓтарошни олиб келди бир кун у нокас  
  
 Ва ўз исмин ўйдирди ҳам, бу савоб эмиши,  
 Йўқ бу савоб атамлагай, манманлик, холос.

Ота қабрига тош қўйгач санѓтарошни олиб келиб ўз исмини ўйиб ёздирган ўғиа хусусида муаллиф «унинг қонига иблис киргач, у таъмасини фош этгани; бу савоб эмас, манманлик» экани хусусидаги бадиий ҳукмни чиқаради. Тошни кўрган инсонлар фалончи азамат қўйдирган экан дейишини исташи, отасини эмас, ўз обрўсини ўйлаши ҳақидаги мисралар ўқувчини чуқур мушоҳада юритишга чорлайди. Шоир ота номидан кўряпсанми, инсон зоти манманлиги йўлида ҳатто ўлимдан ҳам фойдаланади деган бадиий умумлашма чиқаради.

Қабристондан ўтиб қолган бирорта кимса  
 Ҳашаматли мармар тошни қўриб қолган он,  
 О, бу тошни қўйган фалон азамат деса,  
 Ота эмас, ўз обрўсин билган у инсон.

Юқоридаги мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, Данте Алигьерилининг «Илоҳий комедия» ва Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» асарлари том маънода мураккаб ва зиддиятли жараён – ўзликни англаш йўлиниң ўзига хос бадиий талқини ўлароқ ижод этилган. Мавзу бир қадар яқин бўлишига қарамай, қўлланган рамз ва тимсоллар моҳияти, поэтик талқин, муаллифлар бадиий нияти ва ижодий услуб нуқтаи назаридан мазкур асарлар бир-биридан кескин фарқ қиласи. Бу икки буюк бадиият обидасини ҳар жиҳатдан мұжассимал қиёсий ўрганиш адабиётшунослигимизнинг галдаги вазифалариданdir.

## ПУБЛИЦИСТИКА ВА БАДИЙ ИЖОД

### ТАЛАБАЛИК НЕГА ОЛТИН ДАВР?

Дарҳақиқат, шундай ибора бор: талабалик – олтин давр. Чиндан ҳам у олтинми? Шундай бўлса, нима учун? «Олтин давр» дегани ўйнаб-кулишни билдирадими? Талаба бўлиш ёшларга тенгдошлари орасида имтиёз берадими ёки масъулият юклайдими? Саволлар кўп, жавоблар эса, табиийки, бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Катталар кўпинча ёшларга унчалик ишонқирамай муносабатда бўлади. Гўёки бугунги авлод улар эришган мэрраларга етолмаётгандек. Ёшларга келажакни ишониб топшириш мушкулдек. Бундай муносабатни мактабда ҳам, академик лицейда ҳам, ҳозир ҳам дам-бадам ҳис этаман. Эҳтимол, мен адашаётгандирман. Балки, бу фақат менинг тасаввуримдир. Бир кишининг тасаввури эса ҳар доим ҳам тўғри бўлавермаслиги мумкин. Лекин юксак бир ишонч нафақат менга, барча тенгдошларимга ҳам қанот багишлаб келади. Бу муҳтарам Юргбошимизнинг ёшлар эртанги кунимизнинг ишончи, таянчи ва ҳал қилувчи кучи экани ҳақидаги фикрларидир. Бу ишонч ёшларга кўрсатилаётган юксак даражадаги эътиборда ўз ифодасини топяпти. Тенгдошларим ичидан Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, Президент стипендиантлари, турли халқаро фан олимпиадалари ҳамда спорт мусобақалари ғолиблари етишиб чиқаётгани бунинг ёрқин исботидир.

Кичкина тажрибамдан биламанки, ҳаётда бундай ютуқдарга эришиш осон эмас. Бунинг учун тинимсиз интилиш, мутолаа ва изланиш заҳмати талаб қилинади. Устозларимиз кўп такрорлайдилар: «Сизларга ҳавасимиз келади, бир неча чет тилларини биласиз. Турли грантлар совриндори сифатида нуфузли хорижий таълим даргоҳларида ўқиш имконига эгасиз. Кичик ёшданоқ давлат мукофотлари соҳиблари бўлиб келяпсиз. Бундай шароит бизда бўлмаган. Бундан фойдаланинг, юксак мэрраларга эришинг».

Бундай имкониятларни қўлдан бермай келаётган тенгдошларимиз бор. Биргина ўзим таҳсил олаётган Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети талабалари ҳаётидан ҳам етарли далиллар келтириш мумкин. Республика

инновацион гоялар ярмаркасида магистрант Назокат Абдураҳмонова 1-ўринни олди. Унинг қўзи ожизлар учун компютер дастурини яратиш борасидаги изланишлари муносиб тақдирланди. Тўғриси, ҳавасларим келди. Устозларимиз ҳозир инновация замони эканини, бугунги кунда унингсиз илгарига бирон қадам ташлаш қийинлигини бежиз тақрорламаётган эканлар.

Кўз ўнгингда тенгдошларинг ёки сендан уч-тўрт ёш фарқ қиласиган опаларинг, акаларинг ҳавас қиласири ютуқларга эришиб турса, қалбингда олдинга интилиш туйғуси пайдо бўлганини сезмай қоларкансан киши. Ўтган йили факультетимизнинг иқтидорли талабаларидан бири Дилноза Калонова Президент стипендиантি бўлди. Ундаги илмга иштиёқ, уч-тўрттида эркин мулоқот қила олиш қобилияти, фанларни ўзлаштиришдаги салоҳият чиндан ҳавас қиласидир.

Тўртинчи курс талабаси Муяссар Тиловованинг нуфузли нашрларда чоп этилаётган ҳикояларини ўқиганда жудаям таъсирланаман. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида «Ватан учун яшайлик» ижодий танловида голиб бўлгани унинг порлоқ истиқболидан дарак берса ажаб эмас. Курсдошим Акром Маликов ёш ижодкорларнинг «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» танлови совриндори бўлгани ҳам дикъатга сазовор.

Ҳавас қиласиганларим истеъдод эгаларидан яна бири ёш тадқиқотчи Нибуфар Абдураҳмоновадир. Илмдаги нисбатан янги йўналиш – компютер лингвистикаси, хусусан, матнларнинг машина таржимаси бўйича изланиш олиб бораётган бу опамиз анча салмоқди ютуқларга эришди. Ушбу мавзуда ўқув қўлланма тайёрлаб чоп эттириди. Инглизчasi мукаммал, компьютер дастурлари билан бемалол тиллаша олади.

Университетни битирибоқ ўқитувчи сифатида иш бошланган Дурдана Маҳкамова ҳамда Шаҳноза Назаровага чин маънода ҳавас қиласман. Улардек бўлишга интиlamан.

Бироқ бундай муваффақиятга эришаётганлар саноқли. Назаримда, талабалик айни шундай иқтидорлар учун олтин давр. Негаки улар талабаликнинг бирор лаҳзасини беҳуда ўтказмаган, беҳуда ўтказмаяпти. Негаки улар ўзларининг илмий-педагогик, илмий-ижодий келажаги учун талабалик кезларидаёт мустаҳкам замин тайёрлаганлар, тайёрлаяптилар.

Савол туғилади: барча тенгдошларимиз ҳам шундайми? Талабалик улар учун ҳам олтин даврми? Улар ўз истиқболи учун

жон куйдиряптиларми? Афсуски, улар орасида қимматли вақтини интернет кафеларда, тунги клубларда ўтказаётганлари ҳам йўқ эмас. Қўпроқ билим олиш, китоб мутолааси, ижодий изланишлар ўрнига ёшлик қувватини ўйин-кулгиларга сарфлаётганлар ҳам топилади. Адабиётшунослик, тиалшунослик имининг даргаларидан сабоқ олаётганига қарамай, лоқайдиги, ялқовлиги сабабли фанлардан ўзлаштиrolмай талабалик бахтидан бенасиб бўлаётганлари-чи? Ахир ота-онаси уларни не-не орзулар билан ўқишга юборган. Фарзандидан нималарни кутяпти? Буни ҳис қилмаган тенгдошларимга чин кўнгилдан ачинаман.

Эҳтимол, бу тоифа ёшлар «олтин давр» деганда ўткинчи завқу сафоларни тушунишар? Қачон уларнинг кўзи очилади? Ота-она, Ватан олдидаги бурчни, масъулиятни қачон англаб етади улар? Ҳеч бўлмаса, ўз келажагини ўйламайдиларми?

Бугун таълим тизимининг барча босқичларида замон талаблари даражасида билим олиш учун ҳамма шароит муҳайё. Мактаблар, академик лицейлар, олий таълим даргоҳлари иншоотларининг шинам ва озодалиги, замонавий техника-технологиялар билан таъминлангани, ахборот-ресурс марказларининг жиҳозланиши, дарслик ва ўқув қўлланмалари захира-ларининг етарли экани бу фикрни тасдиқлади. Телевидение орқали кўрдик, матбуотда ўқидик, ўтган йили февраль ойида таълим соҳасидаги ютуқларимизга бағишилаб ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференциянинг чет эллик иштирокчилари юртимизда бу борада амалга оширилган ишлардан ҳайратландилар. Таълим тизимининг ўзбек моделини ўрганиш, Ўзбекистон тажрибасини оммалаштириш зарурлигини таъкидладилар. Бундан мен ҳам, тенгдошларим ҳам ҳақли равишда фахрландик.

Вақт – бебаҳо неъмат. Уни қадрлаган беқадр қолмайди. Тенгдошларимиз эришаётган муваффақиятлар қувонарли. Лекин бу охирги марра эмас. Биз булар билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Ота-онамиз олдида ҳам, Ватан олдида ҳам янгидан янги ютуқларга эришишга бурчлимиз. Ана шундагина талабалик биз учун чинакам олтин даврга айланади. Шундагина биз замон талаблари даражасидаги мутахассис бўлиб етишамиз.

## **ХАЛҚИМИЗ БИСОТИДАГИ ҲАЗИНА**

Халқимиз чин маънода ижодкор, доно. Унинг бебаҳо мулки бўлган оғзаки ижод намуналари бунинг ёрқин далилидир. Биз – Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетининг бир гуруҳ талабалари – бу йил ёзда Қашқадарё воҳасининг Чироқчи тумани Кўқдала қишлоғида фольклор амалиётини ўтарканмиз, бунга юз карра, минг карра амин бўлдик. Эртаклару масалларни, мақоллару маталларни, афсонаю масалларни, халқ қўшиқларию ривоятларни, топишмогу ҳикоятларни неча кунлаб тўхтовсиз айтиб бера оладиган Қўзи момою Хўроз бобо (асли исмлари Ўрз бобо экан-у, одамлар тилида ана шу дақаб билан машҳур), Пардахол момою Нормурод бобо, Азиз момою Рўзи момо... бор-йўғи бир ҳафта – ўн кун ичидаги кўнгилларимизга жуда-жуда яқин бўлиб қолган яна кўплаб азиз одамлар тимсолида халқимизнинг нечоғлик tengsiz ва бой маънавий мероси борлигини ҳис этдик. Уни ўрганиш қанчалар зарурлигига, ҳаётий эҳтиёж эканига ишонч ҳосил қилдик.

Агар донишманд халқимизни бепоён уммонга қиёсласак, унинг кичик бир томчиси эканимиз мен ва тенгдошлиарим учун баҳтдир, саодатдир. Кўнглимда адабиётга илк ихлосни уйғотган азиз отам ва муҳтарама онам, Тошкент ислом университети қошидаги академик лицей аудиториясида тенгсиз сабоқлар берган ижодкор муаллимам – Арофат опам таъсирида мен ҳам кичик бир халқона лавҳалар битишига интиляпман. Халқ оғзаки ижодига тенгсиз ҳавасим маҳсули бўлган бу машқларимни сиз – азиз ўқувчилар эътиборига ҳавола этишга журъат қилдим.

### **ЭРТАКНИНГ АВВАЛИ**

Бор экан-да, йўқ экан,  
 Оч экан-да, тўйқ экан.  
 Оққуш кўкни кўзлар экан,  
 Ҳамон эртак сўзлар экан.  
 Бургутнинг иши парвоз,  
 Товуснинг юмуши пардоз экан.  
 Хўроз қичқирса яйрап экан,  
 Бедана ёқимли сайрап экан.

Какку «ку-ку»лар экан,  
 Тўти уни санар экан.  
 Турналар тизилар экан,  
 Ҳўмони излар экан.  
 Қалдирғоч ин қурар,  
 Болалари давр сурар экан.  
 Бойқуш вайронкор экан,  
 Лочин исёнкор экан.  
 Лайлаквой пулдор экан,  
 Чет элга қатнар экан.  
 Чумоли шилар экан,  
 Ниначи тишлар экан.  
 Булбулжон машшоқ экан,  
 Гул унга ошиқ экан.  
 Кабутар кезар экан,  
 Хатни етказар экан.  
 Ари асалчи экан,  
 Айиқ масалчи экан.  
 Балиқ бозорчи экан,  
 Тимсоҳ озорчи экан.  
 Сичқон кемирар экан,  
 Мушук семирар экан.  
 Қўмри нагмачи экан,  
 Саъва оғмачи экан.  
 Қўзичоқ ювош экан,  
 Бўри доим оч экан.  
 Туя карвончи экан,  
 Элнинг ишончи экан.  
 Шер ўрмонда подшоҳ экан,  
 Ҳайвонлар ҳолидан огоҳ экан.

### ТОПИШМОҚЛАР

Яхши сўздан қувонар,  
 Ёмон сўзга куйинар.  
 Гар топсангиз, болалар,  
 У сизлардан суюнар.

(кўнгил)

Оёқсиз юролмайды,  
Қанотсиз учолмайды.  
Тұтқунликка түшса гар,  
Хең қағон чиқолмайды.

(құыш)

### ТЕЗАЙТИШ

Үңг қўлимда чап қўлқон,  
Чап қўлимда үңг қўлқон.

## **МУНДАРИЖА**

У.Жўрақулов. Илм юки .....	3
Миллий маънавият қўзгуси .....	5
<b>МАЪРИФАТНИНГ СЎНМАС ҚУЁШИ – НАВОЙИ</b>	
Тарихий шахс образининг бадиий-иммий талқини .....	10
Чин нақши ҳам рашик этар... ....	16
<b>ТИЛ – БАДИИЯТ АСОСИ</b>	
«Садди Искандарий» достонида архаик сўзларнинг ўрни .....	21
«Юлдузли тунаар» романидаги фраземаларнинг семантик таҳдили .....	27
<b>ТАНҚИД, ҚИЁС ВА ТАҲЛИЛ</b>	
Беҳбудийнинг танқид ҳақидаги қарашлари .....	36
Бадииятнинг икки буюк обидаси .....	41
<b>ПУБЛИЦИСТИКА ВА БАДИЙ ИЖОД</b>	
Талабалик нега олтин давр? .....	49
Халқимиз бисотидаги хазина .....	52
Эртакнинг аввали .....	52
Топишмоқлар .....	53
Тезайтиш .....	54

*Илмий-оммабоп нашр*

**ОЙБАРЧИН АБДУЛҲАКИМОВА**

**БАДИЙ ТИЛ ВА ТАСВИР**

**Мұхаррір:** Абдулла ШАРОПОВ

**Мусаққыл:** Отабек БОҚИЕВ

**Бадиий мұхаррір:** Феруза НАЗАРОВА

**Техник мұхаррір:** Алимардон АҚИЛОВ

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 28.04.2014 й.

Босишига рухсат этилди: 16.06.2014 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84  $\frac{1}{16}$ .

Bookman гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 2,21. Шартли б.т.: 3,25.

Адади: 1000 нұсха.

Буюртма №40

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.  
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>А</sup>-мавзе 42-үй.

**Тел.:** (+998 71) 217-16-77

**e-mail:** akademnashr@mail.ru

[www.akademnashr.uz](http://www.akademnashr.uz)